## ЎҒИРЛИКНИНГ ИНТИҲОСИ

**«Эр-хотин»нинг навбатдаги юриши ҳам унчалик ёмон бўлмади. Яккасарой туманидаги уйлардан биридан ўмарилган 3 млн. 430 минг сўмлликка яқин пул ва буюмлар уларга бир ҳафтага етди.**

8 бет

## ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

**Ишдан эртароқ қайтган Камол уйлаб қўйган ишларини қоронғу тушгунча бажариб қўйишни мўлжаллаб, молхона томонга ўтди-ю, у ерда ётган мармар тошларни кўриб ҳайрон бўлди.**

9 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 12-iyul, №28 (809)


*Тадбир*

***Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг фракцияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар бериш, тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш, кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришнинг ортиқча тартиб-таомилларини бартараф этиш чора-тадбирларини ҳамда мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилаётган қўшимча шарт-шароитларни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ушбу масалага масъул бўлган вазирлик ва идоралар мутахассислари, депутатлар, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.***

# Давр талаблари асосида



Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг "Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида"ги Қўшма қарорининг 3-бандида кўрсатилган вазифаларга тўхталди. Чунончи, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, тадбиркорларнинг солиқ органлари ва бошқа назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш, кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштириш бўйича ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш борасидаги вазифалар тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан қандай бажарилаётгани ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, республика Президентининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" тўғрисидаги дастурий маърузаси республикамиз учун муҳим воқеа бўлди, унда тараққиётнинг ўзимизга хос моделидан фойдаланиш натижасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган ютуқлар чуқур таҳлил қилиб берилди.

Ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 6 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 дан зиёд ҳужжати ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 15 та қарори қабул қилинди. Уларнинг барчаси тадбиркорлик учун ишончли кафолатлар ҳамда кредит ахборот алмашинуви тизимини яратишга, лицензия бериш тартибини соддалаштиришга, рухсатнома бериш тартиб-таомиллари сонини қисқартиришга қаратилгандир. Натижада тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби анча соддалаштирилди, рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божининг ставкалари икки баравар қисқартирилди. Кичик корхоналар ходимларининг сони 100 кишига қадар етказилган фаолият турлари рўйхати анча кенгайтирилди. Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти кейинги 20 йил ичида 3,5 бараварга, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 бараварга ўсди. Кейинги 11 йил ичида кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 2 баравар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 31 фоиздан 54 фоизга кўпайди. Ҳар йили янги ташкил этилаётган иш ўринларининг 60 фоиздан зиёди иқтисодиётнинг ана шу секторига тўғри келмоқда. Шу билан бирга, шу нарса аниқландики, жойларда ҳамон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини юритиш ва ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи қатор муаммолар мавжуд. Чунончи, муҳандислик-коммуникацияларига уланиш, жиҳозлар ва хомашё ресурсларини импорт қилиш, божхона расмийлаштируви, бўш бинолар ва объектларни излаш, маҳсулотни экспортга чиқариш масалалари шулар жумласидандир.

Тадбир давомида депутатлар ва мутахассислар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунлари бўйича тақдим этилган материалларни таҳлил этиб, муҳокама қилдилар ҳамда камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз**

*Бош прокуратурада*

# Ҳайъат мажлиси

***2012 йилнинг 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.***

**Б.САИДОВ,**
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Мажлисда Самарқанд вилоят прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш якунлари муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифалар ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишларни ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Шу билан бирга, фаолиятнинг айрим йўналишларида хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўтказилган комплекс текшириш жараёнида аниқланган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Комплекс текширишда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда айбдор ходимлар интизомий жавобгарликка тортилганлиги қайд этилди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

# Ислоҳотларда инсон манфаатлари

Истиқлолнинг ўтган даври мобайнида юртимиз қиёфаси, халқимиз турмуш тарзи кескин ўзгарди. Бугун юртимизнинг ҳар бир жойида замонавий иншоотлар, намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган турар жойлар, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётганидан дарак беради. Энг муҳими, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган бундай ишлар натижасида мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик барқарор, одамлар руҳиятида кўтаринки кайфият ҳукмрон. Бу муваффақиятлар давлатимизнинг инсонийлик ва эзгулик тамойиллари асосида узоқни кўзлаб олиб бораётган изчил сиёсати туфайлидир. Бинобарин, мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун. Унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари — қонун ҳимоясидадир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Хусусан, ушбу моделнинг асосий тамойилларидан бири — кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб бориш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш чоралари кўрилди.

Президентимизнинг 1994 йил 23 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги ва 1994 йил 24 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август кунги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Қарори ва бошқа бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ана шу мақсадларга қаратилди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий ночор фуқароларга табақалашган ҳолда ёндашувни кучайтириш, янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш кераклиги белгилаб берилди. Лекин бу борадаги ислоҳотлар бир жойда тўхтаб қолганича йўқ. Аксинча, унинг кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда.

/Давоми 5-бетда/

# Инвестиция дастури: ижро қай аҳволда?

Шуҳрат ИСМОИЛОВ,
Шовот туман прокурори

Бугун юртимизни чин маънода бунёдкорлик майдонига қиёслаш мумкин. Қай шаҳар, қай қишлоққа борманг, янги қурилишлар, таъмирлаш ишлари жадал олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз. Юртимизни янада обод қилиш мақсадида амалга оширилаётган бунёдкорликлардан қувонмасликнинг иложи йўқ.

Бундай янгиланишлар Шовот туманида ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. 2011 йилда Республика Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги қарори билан тасдиқланган 2011 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ учта мактабда, қурилиш касб-ҳунар коллежида қайта таъмирлаш ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилган. Бир қатор маҳаллаларда ичимлик суви тармоғи қуриб ишга туширилган. Айрим қишлоқлардаги ички йўллар таъмирланган. Умуман, туманда дастурга киритилган қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилган.

Амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати қай даражада? Ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилганми? Шовот туман прокуратураси томонидан мутахассислар иштирокида ўтказилган текширишда бир қатор ҳолатларда ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланилгани ва қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифатсиз бажарилгани аниқланди.

Жумладан, 29-умумтаълим мактабида "Сайқалчи" хусусий фирмаси томонидан мукаммал таъмирлаш ишлари охирига етказилган. Ишлар мутахассислар иштирокида назорат ўлчовидан ўтказилганда, оҳаклаш, бўяш ишлари сифатсиз олиб борилгани аниқланди. "Чиғатойқалъа" қишлоғи "Туркман" маҳалласи ички йўлида туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси томонидан таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилган. Текшириш натижаларига кўра, 5 та объектда сифатсиз ўтказилган 526 650 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини қайтадан сифатли қилиб бажариш чораларини кўриш ва аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Бундан ташқари, ўтказилган назорат тадбирлари давомида "Шовот темир-бетон қурилиш" МЧЖ раҳбари Э.Бобожонов 2011 йилда "Қатқалъа" қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида қурилишининг умумий нархи 440,6 миллион сўм бўлган 1 қаватли 4 хонали якка тартибдаги 6 та уй-жойларни қуришда бажарилмаган 45 млн. 419 минг 442 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ҳисоботларда бажарилди деб расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар киритиб, ҳужжатларни қалбакилаштиргани, шунча миқдордаги ўзганинг мулкини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилгани аниқланиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ, тумандаги учта мактабда реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунёдкорлик ишлари туман тиббиёт бирлашмасини ҳам қамраб олган. Шунингдек, "Шовот текстил" МЧЖ биносини реконструкция қилиш, "Қатқалъа текс" МЧЖ биносини модернизация қилиш ишлари давом этмоқда. Бу туманда янги иш ўринлари яратилишини таъминлаб, саноатнинг ривожланишига хизмат қилади.

2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури ижроси ўрганилганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг суст бораётганлиги аниқланди. Жумладан, "Хитой" қишлоғи "Қозоққалъа" маҳалласида, "Қиёт" қишлоғи "Қиёт" маҳалласида, "Ижтимоият" қишлоғи "Бешчиқир" маҳалласида уй-жойлар қурилиши 2012 йилда тугаллланиши белгиланган бўлса-да, қурилиш ишлари бўйича пудратчи ташкилотлар ўртасида ҳалигача тендер савдолари ўтказилмаган, шунингдек, уй-жойларнинг бошланғич 25 фоизлик бадал пули тўлиқ шакллантирилмаган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди шахслар расмий равишда огоҳлантирилди.

Юртимизнинг порлоқ истиқболини белгилаб берувчи қурилиш-бунёдкорлик ишларини пайсалга солишга, шу мақсадда ажратилган маблағларни талон-торож қилишга асло йўл қўйилмайди. Бу жараён прокуратура органларининг доимий назоратидадир.

*Зарбдор тумани, "Лалмикор" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Вокзалолди" кўчасида яшовчи, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келиб, миллий ҳунармандчилик буюмлари тикиш мақсадида газлама матоси сотиб олмоқчи бўлган Раъно Қўшбоқова ДТ "Халқ банки" Зарбдор филиалидан 36 ой муддатга йиллик 18 фоизли 10 млн. сўм кредит ажратишларини сўрайди. Бироқ, филиал маъмурияти асоссиз равишда унга кредит маблағи ажратмай, овораи сарсон қилади.*

# Муаммо ҳал этилди

А.ГУЛМУРАТОВ,
Зарбдор туман прокурори

Бу ишнинг ҳал этилишига кўзи етмаган тадбиркор амалий ёрдам сўраб, туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилади.

Ушбу ҳолат юзасидан билдирилган важлар бўйича банкнинг туман филиалидаги ҳужжатлар ўрганилди. Маълум бўлишича, Р.Қўшоқова кредит олиш учун 2011 йилнинг 10 октябрь куни зарур ҳужжатларни филиал маъмуриятига тақдим этган, бироқ филиалнинг кредит ва иқтисодий бўлими бошлиғи З.Маллаев томонидан унинг аризаси бўйича банк маблағи ҳисобидан кредит ажратилиши асоссиз равишда кечиктирилган.

Прокуратура аралашувидан сўнг тадбиркорнинг муаммосига ечим топилди. Аризадаги важлар тасдиғини топганлиги боис хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган бўлим бошлиғи З.Маллаевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Зарбдор туманидан рўйхатдан ўтган "Инсоният иймони" КТХФ раҳбари Ж.Собирова ҳам туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлган тадбиркорлардан бири ҳисобланади. У туман "Микрокредитбанк" ОАТ Зарбдор филиалидан 36 ой муддатга йиллик 18 фоизли 24,5 млн. сўм кредитни олишни мўлжаллаган эди.

Ж.Собированинг нияти холис эди, яъни у фирмасига қарашли ошхона биносини қайта таъмирлаш ва қўшимча бинолар қуриб, фаолиятини кенгайтирмоқчи эди, лекин филиал маъмурияти асоссиз равишда унга кредит маблағи ажратмаган.

Бу ишнинг ҳал этилишига кўзи етмаган фирма раҳбари Ж.Собирова амалий ёрдам сўраб, туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилди.

Аниқланишича, Ж.Собирова кредит олиш учун 2011 йилнинг июль ойида керакли ҳужжатларни филиал маъмуриятига тақдим этган, аммо филиал маъмурияти томонидан тадбиркорнинг аризаси бўйича банк маблағи ҳисобидан кредит ажратилиши асоссиз равишда пайсалга солинган.

Прокуратура аралашувидан сўнг тадбиркорга кредит ажратилди. Ўз хизмат вазифасининг лозим даражада бажарилишини таъминламаган "Микрокредитбанк" ОАТБ Зарбдор филиали "Кредит ва микролизинг хизматлар кўрсатиш" бўлими бошлиғи А.Омонқуловга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Тадбиркорлар эса қонуний фаолиятларини кенгайтириб, элга хизмат кўрсатишни бошлаб юборишди.

# Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлиси

Мурод АШУРОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

*Жорий йилнинг 9 июль куни Бухоро вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлиси бўлиб ўтди.*

Йиғилишда вилоят ички ишлар, божхона ва Адлия бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар прокурорлари, ҳокимлари, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Кенгашда вилоят прокурори Б.Деҳқоновнинг маърузаси ва масъул ходимларнинг изоҳлари эшитилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, тергов-тезкор фаолиятнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида вилоят ҳудудида умумий жиноятчиликнинг, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг, шунингдек, номусга тегиш, ўғрилик жиноятларининг, муқаддам судланганлар ва ишламайдиганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг камайганлиги қайд этилиб, шунингдек, ярим йил давомида прокуратура ва ички ишлар идоралари терговчилари томонидан тугалланган жиноят ишларини судлар томонидан қўшимча терговга қайтариш, шахсларни жавобгарликка ноқонуний тортиш ҳолларига йўл қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, профилактик тадбирларнинг етарли бўлмаганлиги натижасида вилоят миқёсида қотиллик, фирибгарлик жиноятлари ва маст ҳолда содир этилган жиноятлар, Вобкент, Жондор, Шофиркон туманларида эса, умумий жиноятчилик ўсганлиги танқид остига олиниб, ушбу ҳудудлар раҳбарларининг изоҳлари тингланди.

Йиғилишда 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, одам савдоси, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш, аҳоли бандлигини, шунингдек, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама қилиниб, бу борадаги ишларни такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

# Оғуга қул кимсалар

Бахтиёр НОРМАТОВ,
Самарқанд транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси

*Хоразмнинг Ҳазорасп туманида яшовчи Раҳимбой олдин ҳам судланган бўлса-да, бундан ўзига етарли хулоса чиқармаган экан.*

Асли хоразмлик бўлса-да, Самарқандда яшаётган таниши Барнонинг уйига меҳмон бўлиб келган Раҳимбой суҳбат асносида гиёҳвандлик воситаси ҳақида гап очган эди, бека ёрдам беришни ваъда қилди. Сўнг уни ургутлик таниши Санжар билан учраштириб қўйди-да, Раҳимбойни кўпдан бери танишини, ишонса бўлишини қўшиб қўйди. Шундай қилиб, аёлнинг гапи билан Санжар Раҳимбойга гиёҳвандлик воситаларини топишда ёрдам бериб турди.

Раҳимбой Самарқандга навбатдаги сафари олдидан Санжарга телефон қилиб, 100 грамм героин кераклигини, эртасига шаҳарга кириб боришини тайинлади.

Самарқандга келган Санжар гиёҳванд модда олиш мақсадида тўғри ургутлик таниши Нилуфарнинг уйига йўл олди. Нилуфар унга 100 грамм, деб 95 грамм гиёҳванд модданинг ҳар граммини 27 минг сўмдан пуллади.

Санжар сотиб олинган "мол"дан маълум миқдорини келгусида сотиш мақсадида олиб қўйди. Эрталаб Самарқандга етиб келган Раҳимбой Барнонинг уйига келди. Сўнг Санжарга телефон қилиб, "мол"ни қачон ва қаерда олишини сўраган эди, у Барнонинг уйига боришини айтди...

Героинни олгач, кечки соат 23:30ларда уйига қайтмоқчи бўлиб "Тошкент-Урганч" йўналишидаги йўловчи поездига чиқиш учун Самарқанд темир йўл вокзалига борган Раҳимбой темир йўл бекатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан йўловчилар ташқи кўрикдан ўтказилаётганини кўриб, безовталана бошлади. Бундан шубҳаланган ходимлар текширув чоғида унинг кийимлари орасидан целлофанга қадоқланган 91,80 грамм героин гиёҳвандлик воситасини топиб олдилар.

Гиёҳвандлик воситалари олди-сотдиси билан шуғулланувчи бу жиноий гуруҳ қонун олдида қилмишлари учун жавобгарликка тортилди.

# Баркамол авлод – келажагимиз пойдевори

*Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва содир этилишига шароит туғдирувчи ҳолатларни бартараф қилиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Жиноятчилик инсон учун, жамият учун катта хавф туғдиради. Маълумки, қадим замонда яшаган алломалар ўзларининг бадиий ва публицистик асарларида инсонларни ахлоқий фазилатларга, бурч ва мажбуриятларга қатъий риоя қилишга чақириш билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам ҳушёрлик ва зийраклик лозимлигини таъкидлашган. Бугун ҳам ҳар бир инсондан ҳушёр ва огоҳ бўлиш талаб этилади.*



Шу билан бирга, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан юртимизда ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлом, билимли бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, 1998 йилнинг — "Оила йили", 2006 йилнинг — "Соғлом авлод йили", 2007 йил — "Ижтимоий ҳимоя йили", 2008 йил — "Ёшлар йили" ҳамда 2010 йил — "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги ҳамда бу борада давлат дастурларининг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир. Мустақиллик йилларида юртимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари, хуллас, баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун кенг шароитлар яратилмоқда.

2000 йил 21 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори бу йўналишда муҳим қадам бўлган эди. Ушбу қарор билан вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб, вояга етказишга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахтсаодатини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди. Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди. Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади. Шунингдек, ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурчлари қонуний асосда белгилаб қўйилди. Бундай масъулият ота-оналар ва мустақил, буюк келажакка интилаётган давлатимиз зиммасига жуда катта вазифалар юклайди. Мана шунинг учун ҳам биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз. Шунинг учун ҳам бу мақсадга қаратилган лойиҳалар жамоатчилигимизнинг доимо диққат эътиборида турибди.

Кўп нарса, албатта, инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш керак: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахт-саодати, жамиятимиз барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг мақсадларига мос келишига узвий боғлиқдир.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг бир қисмини ташкил этади. Шундай экан, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноий қилмишларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки ҳар биримизнинг вазифамиз бўлиши лозим.

Қонунга кўра, вояга етмаган шахс деганда 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган, яъни 18 ёшга тўлмаганларни тушунамиз. Вояга етмаганларни икки тоифага 13 ёшдан 16 ёшгача ва 16 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг олтинчи бўлими "Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари" деб номланган бўлиб, мазкур бўлимда вояга етмаганларга нисбатан жазо тизими, жазо тайинлаш, мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш механизми, мажбурлов чоралари ҳамда жазони енгилроғи билан алмаштириш механизмлари белгиланган.

ЖКнинг 81-моддасида вояга етмаганларга нисбатан жазо тизими белгиланган бўлиб, унга кўра, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

— жарима;
— ахлоқ тузатиш ишлари;
— қамоқ;
— озодликдан махрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини ўрганиш шундан далолат берадики, улар асосан ўғирлик, талончилик, босқинчилик, безорилик каби қилмишларни содир этганлар. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, республикамизда тегишли органларнинг саъй-ҳаракатлари билан вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг камайишига эришилмоқда.

Шунингдек, судлар томонидан вояга етмаганларга доир жиноят ишлари юзасидан жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги хусусий ажримларнинг жуда кам чиқарилаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Жиноятчилик — бу ижтимоий салбий ҳодиса. Унинг ўсиб бориши ҳар қандай мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий ривожланишига тўғаноқ бўлади. Жиноятчилик домига ёшларнинг тушиб қолиши эса мамлакат келажаги учун хавотирли ҳолдир. Шундай экан, биз ёшларимизни жиноятчиликдан асраш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук, билимли инсон қилиб тарбиялаш учун қўлимиздан келган барча ишларни қилишимиз лозим. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт".

**Барно УМАРОВА,**
Жиззах туман прокурори

# Фарзандлар саломатлиги – юрт бойлиги

*Ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифа саналади. Прокуратура идоралари томонидан ҳам вояга етмаганларга доир қонунчилик ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*



Ҳозир айни ёз чилласи. Бу фаслда болаларни соғломлаштириш масаласи кенг жамоатчиликнинг диққат марказида туради. Урганч туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги оромгоҳларда дам олувчиларга яратилган шарт-шароитлар аҳволи, уларни турли хил тўгарак ва секцияларга жалб қилиш, оромгоҳларнинг санитария-гигиена аҳволи, ёнғин хавфсизлиги ҳолати, фавқулодда ҳолатлар бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар ҳамда уларнинг бажарилиши юзасидан текширишлар ўтказиб келинмоқда.

2012 йил ёзги мавсум давомида ўқувчи-ёшларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича амалга ошириладиган ишлар бўйича туман ҳокими ва касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши раёсати қарорига мувофиқ ҳудудда 3 та оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Ушбу оромгоҳларнинг фаолият кўрсатишлари учун 67,6 млн. сўм сарфланиши белгиланган. Шунингдек, туман ҳудудида яшовчи кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари ҳамда Афғонистон уруши қатнашчиларининг болаларидан 113 нафари Тошкент вилоятидаги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишлари режалаштирилган.

Бугунги кунда оромгоҳларда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Туман ҳокимлигига қарашли "Заковат" болалар кундузги оромгоҳи 45-сон ихтисослаштирилган мактаб интернати базасида ташкил қилинган. Оромгоҳда санитария тозалаш ишлари тўлиқ ўтказилган, фуқаро муҳофазаси бурчаклари тўла ишлаб чиқилган, атроф тоза-озода, ёнғин хавфсизлик талабларига амал қилинган. Шу билан бирга, оромгоҳда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Хусусан, ёнғинни ўчиришда фойдаланиш учун сув ҳавзаси мавжуд бўлса-да, у сув билан тўлдирилмаган. Оромгоҳ биноси ёнғиндан хабарловчи сигнализация билан жиҳозланмаган. Бундан ташқари, фавқулодда вазиятларда эвакуация қилиш схемаси вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан келишилмаган ҳолда ишлаб чиқилган.

"Қорамон" қишлоғидаги вилоят "Матлуботсавдо" АЖга қарашли "Аҳмаджон Ёқубов" болалар ёзги оромгоҳи уч сменада 240 нафар болани қабул қилишга мўлжалланган. Ушбу оромгоҳда ҳам айрим камчиликлар аниқланди. Жумладан, оромгоҳ бинолари ёнғиндан хабар берувчи сигнализация билан жиҳозланмаган, фавқулодда эвакуация қилиш схемаси, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракат қилиш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш ҳаракати режалари ишлаб чиқилмаган. Хоразм вилоят касаба уюшмалари бирлашмасига қарашли "Шодлик" оромгоҳида ҳам уч мавсумда болаларни соғломлаштириш режалаштирилган. Оромгоҳда ёнғинни ўчириш учун 2 та қалқон ташкил этилган бўлиб, унинг биттаси жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмаган, мавжуд биноларда ёнғиндан хабар берувчи сигнализация ўрнатилмаган.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритилди. Шунингдек, туман прокуратураси томонидан оромгоҳларда одам савдоси, турли ёт иллатларга қарши курашиш, болаларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга доир давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда.

**Худойберди ЖУМАНИЁЗОВ,**
Урганч туман прокурори ёрдамчиси

*Маърифатли ёшлар — юрт таянчи*

# Келажакнинг ёруғ умидлари

***Мамлакатимиз келажаги бугун умумтаълим мактабларида, коллеж ва лицейлар ҳамда олий таълим даргоҳларида билим олаётган ёшларга боғлиқ. Зеро, эзгу орзу-ниятлар билан яшаётган ҳар бир фуқаро ўз келажагини фарзандлари камолида кўради. Шу сабабли ҳам бугунги кунда ўта долзарб бўлган умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, узвийлиги ва изчиллигини сўзсиз таъминлаш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналишларини танлашнинг ихтиёрийлиги ҳақидаги асосий тамойилларни амалга татбиқ этиш, битирувчиларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масалалари таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.***

Шу муносабат билан жойларда ўқувчиларнинг қобилияти ва кўникмаси, касб-ҳунарни ўрганишга бўлган қизиқишини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим йўналишини танлашга кўмаклашиш, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини ошириш, таълимдан бўш вақтларида уларни турли тўгаракларга ва спорт машғулотларига жалб этиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш борасидаги ишларнинг аҳволини доимий равишда ҳар томонлама ўрганиб боришга барчамиз масъулмиз.

Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 73-моддасида ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шартлиги, ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгарлиги, улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши, ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эгалиги, ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шартлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 30-моддасида ота-оналар ёки қонуний васийларнинг вазифалари белгиланган бўлиб, вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шартлиги, уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгарлиги назарда тутилган бўлса-да, бугунги кунда бу ҳолатларга бефарқ ва лоқайдлик билан қараб келаётган ота-оналарнинг ҳам учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Жумладан, жорий йилнинг 1-чораги давомида шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан ўқув машғулотларига узлуксиз равишда қатнашмаётган ўқувчиларнинг ота-оналари вояга етмаган болаларини тарбиялаш ва таъминлаш борасидаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47-моддасига кўра, 118 та маъмурий иш кўрилиб, ота-оналар маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда уларга нисбатан 9 млн. 620 минг сўм миқдорида жарима қўлланилган. Шунингдек, вояга етмаган болалар томонидан турли хилдаги ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун комиссияларда 20 та маъмурий ишлар кўриб чиқилган.

Масалан, Нишон туман прокуратураси томонидан тумандаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг дарсларда иштироки ўрганилганда, Нишон саноат-энергетика касб-ҳунар коллежининг "Жисмоний тарбия ва болалар спорти тарбиячиси" йўналиши 1-босқич ўқувчилари, вояга етмаган А.Райимов ва Х.Хўжамуродовлар узоқ вақт давомида сабабсиз равишда дарсларда иштирок этмасдан, яшаш манзилларини ташлаб, бошқа ҳудудларга чиқиб кетганликлари аниқланган ва уларнинг оталари Х.Райимов ва Т.Бараковлар Оила кодексининг 73-моддасида белгилаб қўйилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасдан, вояга етмаган фарзандларининг таълим-тарбиясига эътибор бермасдан, уларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолишига сабабчи бўлганликлари учун уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47-моддасига биноан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

2010 йил 29 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари раҳбарларининг вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги Низомнинг 24-бандида "Ўқувчини саломатлиги сабабли тиббий консультация комиссияси маълумотномаси асосида академик таътилга чиқариш мумкин", деб кўрсатилган бўлса-да, Қарши агробизнес ва тадбиркорлик коллежи директорининг 2012 йил 18 майдаги 126-сонли буйруғига асосан 8 нафар, Қарши компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи директорининг 2010 йил 20 декабрдаги 16-к-сонли буйруғига асосан 28 нафар, Қарши политехника касб-ҳунар коллежи директорининг 2010 йил 2 июлдаги 426-сонли буйруғига асосан 2 нафар, Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директорининг 2010 йил 9 ноябрдаги 132-у-сонли буйруғига асосан 1 нафар, 2012 йил 2 мартдаги 61-у-сонли буйруғига асосан 1 нафар ва Шайхали маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директорининг 2011 йил 15 октябрдаги 53-к-сонли буйруғига асосан 7 нафар ўқувчи юқорида қайд этилган Низомга зид равишда ўқувчилар сафидан чиқарилган.

Қайд этилган қонунбузилишларини бартараф этиш бўйича касб-ҳунар коллежлари директорларининг буйруқларига 12 та протест келтирилиб, буйруқлар бекор қилинди ва ўқувчилар таълимга жалб этилди, Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига эса тақдимномалар киритилган.

Нишон туманидаги агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежидан 19 нафар, маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан 39 нафар, қурилиш касб-ҳунар коллежидан 22 нафар, саноат энергетика касб-ҳунар коллежидан 25 нафар, қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежидан эса 41 нафар ўқувчи дарсларга мунтазам равишда қатнашмаган бўлса-да, таълим муассасаларининг мансабдор шахслари томонидан бунинг сабаблари ўрганилмаган.

Республикамиз Бош прокурори Рашитжон Қодировнинг жорий йилнинг 2012 йил 26 майдаги 13-Ф-сонли Фармойиши ижроси юзасидан ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб қилиш, таълим йўналишини танлашга кўмаклашиш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида ўтказилган текширишларда қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Жумладан, Шайхали маиший-хизмат кўрсатиш коллежи мансабдор шахслари 2011-2012 ўқув йилида 76 нафар 9-синф битирувчисини таълим муассасасига жалб этмасдан ёки таълимнинг кейинги босқичига қабул қилинганлиги тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштирмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиддий зиён етказгани учун уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жиноий жавобгарликка тортилди ва жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Айрим таълим муассасалари битирувчиларини коллеж - корхона ҳамкорлик алоқалари асосида ишга жойлаштириш масаласи деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, Қамаши туманидаги Чим қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг "Электр жиҳозларини таъмирлаш" йўналиши бўйича 91 нафар битирувчининг бирортаси ҳам бириктирилган корхонага ишга жойлаштирилмаган. Бундай ҳолат Қамаши иқтисодиёт, педагогика, агробизнес, Деҳқонобод саноат, транспорт ва агробизнес касб-ҳунар коллежларида ҳам мавжуд.

Шаҳрисабз, Китоб, Касби, Миришкор ва Қамаши туманларида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уларга тижорат банклари томонидан кредитлар етарли даражада ажратилмаган. Айрим ҳудудлардаги корхоналарга ишга жойлашган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, уларнинг меҳнат қилиши учун иш берувчилар томонидан зарур шароитлар яратилмаганлиги оқибатида қисқа муддатларда ишдан бўшаб кетмоқда.

Жумладан, Косон саноат касб-ҳунар коллежини битириб, туман электр тармоқлари корхонасига ишга жойлашган 4 нафар битирувчи ишдан бўшаб кетган. Қамаши, Миришкор туманларидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежларини жорий йилда тамомлаган ва мазкур туманлардаги фермер хўжаликларига ишга жойлашган айрим битирувчилар узоқ вақт давомида иш ҳақларини ўз вақтида ололмаганликлари туфайли ишдан бўшаб кетишган.

Қарши шаҳар прокуратурасида тузилган ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган текширишда Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг 16 нафар, Қарши компьютер-технологиялари коллежининг 16 нафар, Қарши ахборот технологиялари коллежининг 4 нафар, Шайхали маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг 4 нафар, Қарши тиббиёт коллежининг 3 нафар битирувчиси билан иш берувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилмаганлиги аниқланиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашмасдан қолишининг олдини олиш мақсадида шаҳар ҳудудида жойлашган бўш иш ўринлари мавжуд бўлган корхона ва ташкилотлар билан битирувчилар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилишига кўмаклашилди.

Нишон туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 88-сонли Қарори талабларига риоя қилиниши аҳволи юзасидан ўтказилган текширишда Нишон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи мансабдор шахслари томонидан 7 023 090 сўм миқдоридаги бюджет маблағлари ноқонуний равишда ҳисобланиб, ўқитувчиларга ва бошқа ходимларга асоссиз тўлаб юборилганлиги ҳамда 2009-2010 ўқув йилида коллежнинг "Информатика ва ахборот технологияси" йўналишида Ў.Қулманова ўқимаган бўлса-да, ушбу коллежни тугатганлиги ҳақида унга сохта диплом ёзиб берилганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бош прокурорнинг юқорида қайд этилган Фармойиши ижроси бўйича ҳозирга қадар вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли идораларга 15 та тақдимнома киритилган, 448 нафар шахс расмий равишда огоҳлантирилган, 10 нафари интизомий ва 27 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Ноқонуний қарорлар устидан 17 та протест киритилган ҳамда 8 та касб-ҳунар коллежининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган.

Ёшлар — келажагимизнинг ёруғ умидлари. Бу даврда инсон ўсиб-улғайиб, камолга етади. Яхши парваришланган ниҳол қуёшга талпиниб, гуркираб ўсганидек, ота-она меҳридан, жамиятнинг эътибори ва ғамхўрлигидан баҳра олган ёшларимиз ҳам баркамол вояга етишига умид қилсак бўлади.

Бекорчилик туфайли ёшларнинг номақбул йўлларга кириб кетишлари эса ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда ёшларни ўқиш ёки иш билан таъминлаш, уларни банд қилиш учун барча шароитлар бор. Фақат масъулиятни ҳис этишимиз ва эътиборлироқ бўлишимиз, ўқишни битиргач, уларнинг иш билан таъминланишини назорат қилмоғимиз талаб этилади. Бинобарин, ёшларга эътиборни қанчалик кучайтирсак, нафақат жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олган, балки жамият равнақига ҳам ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Мусо ШАРИПОВ,**
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Huquq»

## Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 271-12-26 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

# Ислоҳотларда инсон манфаатлари

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/



Дониёр ХАЛИЛОВ,
ҳуқуқшунос

Маълумки, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига нафақалар тайинлаш ва унинг тўланиши, манзиллилиги каби масалалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади. Бу борадаги ишлар самарасини янада ошириш мақсадида 2012 йилнинг 7 июнида Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Албатта, эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш ва уларга нафақалар, моддий ёрдам тайинлаш алоҳида эътибор талаб қиладиган масаладир. Кейинги пайтларда таҳририятга келаётган мурожаатларнинг аксариятида ҳам, фуқаролар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ишламайдиган оналар боласи икки ёшга тўлгунга қадар нафақа олиш ёки кам таъминланган оила сифатида моддий ёрдам тайинлаш ҳақида мурожаат қилганларида у ёки бу сабабга кўра мурожаатлари қаноатлантирилмаганлиги тилга олинади.

Бу каби масалаларда, албатта, ўзини ўзи бошқариш органлари биринчи галда ижтимоий адолат, рўйиростлик, ошкоралик қоидаларига риоя этилишига, ажратилган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаб ва самарали фойдаланилишига ҳамда бу борадаги мезонларга эътибор қаратади. Ушбу мезон қандай тартибда ва қайси меъёр асосида белгиланади?

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июнь кунги 165-сонли қарори билан тасдиқланган "Эҳтиёжманд оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига кўра, бу мезон энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараварини ташкил қилади. Яъни болали оилаларга нафақалар, оналарга нафақалар ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад оиланинг ҳар бир аъзоси сонига бўлган ҳолда аниқланади.

Болали оилаларга нафақалар, оналарга нафақалар олиш учун оила таркибига:

отаси, онаси ёки болаларнинг никоҳдаги ҳар икки ота-онаси (фарзандликка олувчилар);

ота-онаси билан биргаликда яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар, шунингдек ота-онаси билан биргаликда яшайдиган ва ўз оиласига эга бўлмаган 16 ёшдан катта ёшдаги болалар (шу жумладан, фарзандликка олинган болалар);

болаларнинг улар билан биргаликда яшайдиган боболари ва бувилари;

болаларнинг ота-оналари билан биргаликда хўжалик юритувчи бошқа шахслар киритилади.

Ҳар бир оилада оила аъзоларининг сони турлича бўлса-да, битта манзилдаги баъзи хўжаликларда турли хил сабабларга кўра бир эмас, бир нечта оила яшаётган бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, бу хўжаликлардаги ҳар бир оила аъзоларининг нафақа ёки моддий ёрдам олишда манфаатлари ҳисобга олиниши лозимлигини тақозо этади. Агар бир уй хўжалигида (бир почта манзили бўйича) икки ва ундан ортиқ болали оилалар яшаётган тақдирда, болали оилаларга нафақалар, оналарга нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун бир оила таркибига болаларнинг ота-оналари, шунингдек уларнинг боболари ва бувилари ҳамда болаларнинг ота-оналари билан биргаликда хўжалик юритувчи бошқа шахслар, агар улар нафақа тайинлашда бошқа болали оилада ҳисобга олинмаган бўлса, қабул қилинади. Шу билан бирга, нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган оила таркибига қуйидагилар киритилмайди:

нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилган ота-оналарнинг ака-укалари ва опа-сингиллари, агар уларнинг ўз оилалари бўлса;

ота-оналари уларга нисбатан оталик ҳуқуқларидан маҳрум этилган болалар;

уларнинг таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ пул маблағлари тўланадиган васийлик (ҳомийлик)даги болалар ва тўлиқ давлат таъминотидаги болалар;

чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ёхуд ҳарбий таълим муассасасида ўқиётган ота-она (фарзандликка олувчи);

суднинг қарорига кўра жазони ижро этиш жойларида эканлиги муносабати билан оилада ҳозир бўлмаган ота-она (фарзандликка олувчи).

Албатта, оиланинг даромади деганда нафақат бирор-бир меҳнат фаолияти учун тўланган иш ҳақи, балки шу оиланинг бошқа турдаги даромадлари ҳам ҳисобга олинади. Бундай жами даромад турларига иш ҳақидан ташқари мол-мулкдан олинган даромадлар, хусусий тадбиркорнинг даромади, чет элда ишлайдиган ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган оила аъзоларидан пул тушумлари суммаси ва бошқа даромадлар киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар ҳисобланган сумма бўйича ҳисобга олинади (солиқ ҳақидаги қонунларда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунга қадар).

Хорижий валютада олинадиган оила даромадлари эса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг нафақа ва моддий ёрдам олиш учун ариза берилган кунда белгиланган курси бўйича Ўзбекистон миллий валютасига қайта ҳисоблаб чиқилади.

Автомототранспорт воситаларини ижарага беришдан олинган моддий даромаднинг ҳар ойлик миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари миқдорида белгиланади.

Чет элдан ойлик пул тушумларининг норматив суммаси чет элда меҳнат ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари сонини энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараварига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Болали оилаларга нафақалар, оналарга нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун ариза берилганда, ариза берилган ойдан олдинги охирги уч ой учун оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотномани тўлдириш лозим.

Маълумотларга қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:

тузилган меҳнат шартномаси (контракт) ёки фуқаролик ҳуқуқи характеридаги шартномалар бўйича ишларни бажарувчи шахслар учун (солиқ тўловчининг индивидуал рақами нусхаси илова қилинган ҳолда) — иш жойидан маълумотнома;

дивидендлар тарзида даромад олувчи шахслар учун — дивидендлар тарзидаги даромадлар суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси тўғрисида дивидендлар тўлаган юридик шахс томонидан берилган маълумотнома;

охирги уч ойда якка тартибдаги жамғариладиган пенсия ҳисоб рақамига мажбурий бадаллар тушуми тўғрисида Давлат-тижорат Халқ банки филиали томонидан берилган маълумотнома;

хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи ҳисобланадиган шахслар учун — юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркор ва деҳқон хўжалиги сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотнома нусхаси;

мол-мулкни (кўчмас мулкни ва автомототранспорт воситасини) ижарага берганлик тўғрисидаги шартнома нусхаси;

туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида ишсизлар сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар учун — Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан маълумотнома;

пенсионерлар учун — Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимидан маълумотнома;

стипендия олувчи талабалар учун — таълим муассасасидан маълумотнома.

Зарурият бўлганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ариза берган шахсдан бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни, шу жумладан:

давлат солиқ хизмати органларидан — хусусий корхона мулкдори ва фермер хўжалиги бошлиғининг тасарруфида қоладиган даромадлар тўғрисидаги ҳужжатни;

жазони ижро этиш муассасаларидан — оиланинг озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аъзоларига оид ҳужжатни;

мудофаа ишлари органларидан — оиланинг ҳарбий хизматни ўтаётган аъзосига оид ҳужжатни талаб қилиши мумкин.

Бунда кўрсатилган маълумотнома ва маълумотлар мурожаат қилинган кундан бошлаб икки кун мобайнида бепул тақдим этилиши керак.

Ўз оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида ишончсиз, сохта маълумотларни қасддан тақдим этиш ёки уларнинг бузилиши, бунинг оқибатида нафақалар ва моддий ёрдамнинг асоссиз тайинланиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка, шунингдек, ноқонуний олинган пул маблағлари қайтарилишига олиб келади.

Маълумотларнинг ишончлилиги у тақдим этилган кундан бошлаб уч кун муддатда нафақа (моддий ёрдам) тайинлаш бўйича махсус комиссия аъзоси ва тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими томонидан текширилади.

Зарурият бўлганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тақдим этилган маълумотларни уларни текшириш учун маҳаллий давлат солиқ хизмати органига:

хусусий тадбиркорларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган солиқ ставкасини тасдиқлаш;

дивидендлар тарзида олинган даромадлар суммасини текшириш учун сўровнома юбориши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари сўровнома тушган кундан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай тегишли маълумотларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим этади.

Мухтасар қилиб айтганда, маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ўрни беқиёсдир. Чунки, у шу ҳудуддаги аҳолига бу каби нафақа ва моддий ёрдамлар олиш билан бирга, уларга жамиятда ўз ўрнини топишга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг таъминланишига ҳам кўмаклашади. Президентимиз томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш вазифаси белгилаб берилди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши маҳалланинг турмушимизда тутган ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, унинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларини бугунги кун талаби даражасида юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

# Фаолиятлари тикланди

*"Исмоилжон гиламлари" туманимиздаги етакчи корхоналардан бири. Хусусий корхонанинг эгалари ишлаб чиқаришни кенгайтиришаётгани, янги иш ўринлари таклиф этишаётгани эътиборга молик. Корхона раҳбари И.Султоновнинг туман прокуратурасига мурожаати ўрганилиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун бино ажратиб берилиши таъминланди.*

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ва қонуности хужжатлари фуқаролар ўз иқтидорлари ва салоҳиятларини ишга солиб, танлаган соҳаларида муайян бир ишни бошлашлари, каттакичик корхоналарни ташкил қилишлари, савдо, ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб берди. Маъмурий-бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашишларга чек қўйиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида туманимизда ҳам кичик бизнес ривожланяпти. Тадбиркорлар турли истеъмол моллари, озиқ-овқат, консерва маҳсулотлари, кийимкечаклар, қурилиш ашёлари, мебель, уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришмоқда. Туман прокуратураси томонидан Республика Бош прокурорининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"-ги буйруғи асосида иш юритилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари қабул қилаётган ҳужжатларнинг қонунийлиги ҳар ўн кунда бир маротаба ўрганиб борилялти. Тадбиркорларнинг иқтисодий эркинликларини чеклашлар, кичик бизнес билан шуғулланиш йўлидаги тўсиқ ва ғовлар бартараф этилмоқда. Молиявий-хўжалик фаолиятларига ноқонуний аралашувларнинг олди олиняпти. Назорат-текширув идоралари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкцияларнинг қонунийлиги ўрганилиб, ғайриқонуний қарорларни бекор қилиш орқали тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда. Шунингдек, "Ишонч телефони" орқали олинган мурожаатлар қонуний ҳал этилмоқда. Чунончи, "Тожихон Маъруфжон ери" фермер хўжалигининг раҳбари М.Назаров телефон орқали ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ўзининг рухсатини олмасдан туриб, бошқа фермер хўжаликлари ҳисобига ўтказиб берилганини баён этиб, пулларини қайтариб олишда ҳуқуқий ёрдам сўради. Ўтказилган текширишда баён этилган ҳолатлар ўз тасдиғини топиб, банк масъул ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Юқоридаги каби "Ишонч телефони" орқали олинган учта мурожаатлар қонуний ҳал этилди, тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорликни ҳимоялашга қаратилган қонунлар ижроси 2 маротаба таҳлил қилиниб, уларнинг натижаларига кўра 2 та тақдимнома киритилди, 3 нафар масъул шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилди.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган таҳлилларда 90 нафар кичик бизнес субъектларининг фаолияти тўхтаб қолгани аниқланди. Мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, тумандаги тегишли ташкилотларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил қилинди. Олиб борилган ишлар натижасида 12 нафар тадбиркорларнинг фаолиятлари тикланди. 36 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, туман прокуратураси ташаббуси билан икки маротаба ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида тадбиркорлар ташкил этган янги иш ўринларига 45 нафар фуқаро ишга жойлашишди.

Туман прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб бериш борасидаги контрактация шартномаларига амал қилиниши, техника воситаларининг сақланиши ва таъмирланиши, белгиланган майдонларга дон ва чигит экилиши, агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилиб, кўзда тутилган миқдорда ҳосил етиштирилиши, нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиниши жараёнлари назорат қилиб борилмоқда. Қонунга зид хатти-ҳаракатларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Чунончи, "Қўштепа Қорақушчи файзли ери" ва "Авазбек Холматов ери" фермер хўжаликларида чигит ўрнига полиз экинлари экиб олингани аниқланди. Пахта хомашёси етказиб бериш борасидаги мажбуриятларини тўла-тўкис адо этишдан қасддан бўйин товлаб, давлат манфаатларига салкам 28 млн. сўмлик зиён етказган фермер хўжаликларининг раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилди. Қишлоқ хўжалигида қонунларга риоя қилинишининг таҳлиллари натижаларига кўра, ўтган ярим йилда 270 га яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, салкам 11,2 млн. сўмни ундириш ҳақида 41 та даъво аризалари киритилди, 41 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Жумладан, "Қўштепа пилла етиштириш" МЧЖ шартнома шартларига амал қилмасдан кўзда тутилган пилла хомашёсини етиштириб берган "Соҳибкор" фермер хўжалиги билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилмай келган. Бундан ташқари, МЧЖ 6 та фермер хўжаликларига топширилган пилла учун 311 минг сўмдан тортиб 1,3 млн. сўмгача, жами 4 млн. 263 минг сўм ҳақларини тўлашни ортга сураверган. Вилоят прокуратураси орқали ушбу қарзларни ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Туман прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқларини, шу жумладан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузилишларнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда иш олиб бормоқда.

**Ўктамжон АБДУРАСУЛОВ,**
Қўштепа туман прокурори

# Ўрмонлар табиий бойлигимиз, уларни асраш бурчимиздир

*Экологик вазиятни барқарорлаштиришда ўрмонларнинг ўрни катта. Ўрмонзорлар ҳавонинг мўътадиллигини сақлашда, глобал исишнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлиги илмий жиҳатдан исботланган. Шу боис ҳам, ўрмон хўжалигини ривожлантириш масаласига ҳукуматимиз томонидан алоҳида ёндашилиб келинмоқда.*

Хоразм вилояти ўрмон хўжалигининг ер фонди 87486 гектарни ташкил қилади. Вилоят прокуратураси томонидан ўрмон хўжалигида ажратилган бюджет маблағлари сарфланишининг қонунийлиги, "Ўрмон тўғрисида"ги ва ердан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонунлар ижроси юзасидан мутахассислар иштирокида ўтказилган текширишда хўжаликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, қўлга киритилаётган муваффақиятлар эътироф этилгани ҳолда, йўл қўйилаётган қонунбузарликларни бартараф қилиш чоралари ҳам кўрилди.

Хўжаликда ўрмон хўжалигини тўғри юритиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, ўрмонзорларни қайта тиклаш, парвариш қилиш, санитария-гигиена, соғломлаштириш ва бошқа фойдали фаолиятини такомиллаштириш борасида Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режага асосан 1000 гектар ўрмонзорларда табиий ўсишга кўмаклашиш, 300 гектар ерда кўчатдан ўрмонзорлар барпо қилиш, 150 гектар ерда ўрмон дарахтларини парваришлаш ва қўшимча ишлов бериш каби тадбирлар белгиланганда ҳолда, сувни асраш, ерларни муҳофаза қилиш, ўрмонларни ёнғиндан асраш каби ишларни бажариш режалаштирилмаган.



Хўжалик томонидан ўрмонларни қўриқлаш тизими йўлга қўйилган бўлса-да, зараркунандалар ва касалликлардан асраш ишлари амалга оширилмаган, ўрмонларни авиация ёрдамида қўриқлашга эҳтиёж ва имконият бўлмаганлиги сабабли бу масалалар йўлга қўйилмаган.

Шунингдек, ишлаб чиқариш комплексини механизациялаш ва автоматлаштириш, юқори самарали технологияларни жорий қилиш бўйича тадбирлар тузилмаган ва ижро қилинмаган.

Хўжалик ҳудудидан ов қилиш эҳтиёжлари учун илмий тадқиқот мақсадларида, маданий, маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш рекрацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш йўлга қўйилмаган.

Айрим фуқароларнинг ўрмонларга ёқилғи манбаи сифатида қараб, дарахтларни ўзбошимчалик билан кесишлари кечириб бўлмас ҳолдир.

Текшириш давомида шунингдек, хўжаликнинг "Қақрали" ва "Туямўйин" ўрмон бўлимидаги айрим ўрмончиларнинг айби билан бир неча дарахтнинг ҳеч қандай рухсатсиз чопиб ташланганлиги аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан чоралар кўрилди.

Қолаверса, ўрмон хўжалиги томонидан 2010-2011 йилларда ажратилган жами 143 гектар экин еридан кадастр баҳосидан кам ҳосил олиб, шунингдек, экилган қишлоқ хўжалик экинларидан умуман ҳосил йиғиштириб олмай самарсиз фойдаланилган, бундан ташқари, ер кадастр ҳужжатларининг тўлиқлиги таъминлаб борилмаганлиги оқибатида экин ерлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисоботларда бузиб кўрсатилган.

Шунингдек, ривожлантириш жамғармаси маблағларининг харажатга чиқарилиши танланма усулда текширишда ўтказилганда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Жумладан, хўжалик бош ҳисобчиси М.Адамова 2009 йилнинг 9 ойлик ҳисоботини топшириш учун Тошкент шаҳрига 10-15 октябрь кунлари хизмат сафарига борганлиги тўғрисида топширилган бўнак ҳисоботи бўйича унга Урганч-Тошкент авиа чиптаси пул ўтказиш йўли билан олинганлиги инобатга олинмасдан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши натижасида 111,9 минг сўм маблағнинг ортиқча тўланишига йўл қўйилган. Бундай ҳолат бош ўрмончи Т.Юсупов 2011 йил февраль ойида ўрмон бош бошқармаси йиғилишида қатнашиш учун Тошкент шаҳрида 12-15 февраль кунлари хизмат сафарида бўлганда ҳам юз берган. У топширган бўнак ҳисоботи бўйича ҳам пул ўтказиш йўли билан олинган 115,9 минг сўмлик Урганч-Тошкент авиа чиптаси учун ортиқча маблағ тўланган. Текшириш пайтида ортиқча тўланган 227,9 минг сўмнинг ундирилиши таъминланди.

Корхонада меҳнат қонунчилигига риоя қилинишида ҳам баъзи камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Айрим ходимлар ишга қабул қилинганлик ҳақидаги буйруқ билан таништирилмаган ва тилхат олинмаган. Айримларга эса меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқлардан нусхалар берилмаган.

Умуман, текшириш натижаларига кўра, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳақида 1 та тақдимнома киритилди. 9 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Етказилган 1486,7 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилди ва 1 та ноқонуний ҳужжатга протест келтирилди.

**Сухроб НАЗАРОВ,**
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

# Ҳуқуқий саводхонлик юқори бўлмоғи лозим

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.*

Соҳибжон СОҲИБОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривожи учун қулай муҳит яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича жуда катта ишлар қилинди.

Хусусан, Юртбошимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ва уларга молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 2010 йилда 7 фоизгача, 2011 йилда 6 фоизгача ҳамда 2012 йилда 5 фоизгача миқдорида камайтирилди.

Бугунги кунда диёримизда тадбиркорлар учун яратилган қулай тадбиркорлик муҳитидан фойдаланган ҳолда кўплаб янги хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилмоқда.

Аммо ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг айримлари бозор иқтисодиёти шароитига мослаша олмагани ва қонунчилигимиз талабларига тўлиқ жавоб бера олмаганлиги сабабли бизнес оламига киришнинг дастлабки онлариdаёқ фаолиятини тўхтатган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг солиқ қонунчилиги ва бухгалтерия ҳисоби бўйича етарли даражада ҳуқуқий саводхонлиги шаклланмаганлиги туфайли фойда кўриш, сармоясини ошириш мақсадида очган корхонасининг фаолиятсизлиги натижасида солиқ қарздорлиги вужудга келмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай тадбиркорлик субъектлари раҳбарларида корхона очилган бўлса-да, фаолият кўрсатмаса (банк айланмасини амалга оширмаса) солиқ солинадиган база вужудга келмаслиги тўғрисида янглиш фикр ўрнашиб қолган.

Ваҳоланки, амалдаги солиқ қонунчилиги нормаларига мувофиқ, ҳар қандай тадбиркорлик субъектида у ташкил топган (давлат рўйхатидан ўтган) санадан бошлаб муайян миқдорда солиқ мажбурияти вужудга келади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан кичик корхона ва микрофирмалар ягона солиқ тўловини тасдиқланган ставкалар бўйича тўлашлари, лекин бунда мазкур тўловларни улар эгаллаб турган ер майдонидан ҳисобланадиган ер солиғи миқдорини 3 баробаридан кам бўлмаган миқдорда ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби жорий этилди.

Ушбу нормани қонунчилик меъёрига киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 3 мартда 2203-сон билан рўйхатга олинган "Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом қабул қилинди.

Низомга асосан ягона солиқ тўлови тизимида бўлган ҳар қандай юридик шахс рўйхатдан ўтган давридан бошлаб ўзининг эгалигида (шу жумладан, фойдаланувида) бўлган ер майдонининг ер солиғи ставкасининг 3 баробари миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ягона солиқ тўловини ҳисоблаб тўлаши шарт деб белгиланди.

Шунингдек, Республикамиз Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори 7-бандига мувофиқ, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона солиқ тўловини тўлашлари, аммо худди шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўловни амалга ошириши жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги 6-сонли Қарори билан 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб барча юридик шахслар мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш фаолиятидан қатъи назар ходимларга иш ҳақлари ягона тариф сеткасининг бошланғич разрядининг тариф сеткасидан кам бўлмаган миқдорда тўланиши тўғрисида ҳуқуқий меъёр амалга киритилди.

Корхона раҳбари ва ҳисобчисининг ойлик иш ҳақи олмасдан ишлаётган даври умумий иш стажига қўшилишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154-моддасига асосан иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган миқдордан кам бўлмаган миқдорда ва ҳар ойда бир мартадан кам бўлмаган муддатда тўлаб бориши шарт.

Юқоридаги қонун нормаларидан яхши хабардор бўлмаган бир қанча солиқ тўловчиларга тадбиркорлик фаолияти кўрсатмасдан туриб ҳам айнан мазкур қонунчилик талаблари ижроси натижасида солиқ мажбуриятлари юзага келган.

Масалан, Андижон шаҳрида янги ташкил этилган "Андижон Имкон Файз" МЧЖнинг асосий фаолият тури аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан иборат бўлгани ҳолда 2012 йилнинг 1-чорагида умуман фаолият юритмаган бўлса-да, Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 3 мартда 2203-рақам билан рўйхатга олинган Низом талабларига асосан корхонага эгаллаб турган ер майдони ҳисобидан ягона солиқ тўлови 14 300 сўм ва иш ҳақи фонди ҳисобидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига 256 800 сўм, жами 271 100 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланган.

Худди шу каби жорий йилнинг 1-чорагида фаолият кўрсатмаган "Усмон Адхам" хусусий фирмасига 90.100 сўм ва "BEST TEXTILE LUX" МЧЖга 555 минг сўм солиқ тўловлари ҳисобланган.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга оширишдан аввал амалдаги солиқ қонунчилиги талабларидан хабардор бўлиши, пухта ўйланган бизнес режа ва уни рўёбга чиқариш учун зарур моддий-техникавий имкониятларга эга бўлиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб жадал суръат билан фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Зеро, тадбиркорлик фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир.

# Жиноят ўз-ўзидан содир бўлмайди

*Инсоннинг турмуш тарзи ва онгининг шаклланишига қараб жиноятга йўл очиб борувчи, унга шароит яратувчи омиллар ҳам турлича бўлади. Жаҳлга эрк бериш, рашк, бировнинг мулкини ўзлаштириш, гиёҳвандлик, ўғрилик, нафс қутқусига учиш ва бошқа ҳолатлар ҳам аслида тарбиянинг кемтиклигидан нишона. Масалан, судда Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси, 2-қисмининг "б" банди ва 205-моддаси 2-қисмининг "в" банди билан айбланган Сардор Душанбиевга (исм-шарифлар ўзгартирилган) оид жиноят иши кўрилди.*

Неъмат ИСМАТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

### СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАМАГАНИ УЧУН

Тергов ва суд ҳужжатларида қайд этилишича, у ҳали навқирон ёшда. Муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанднинг отаси. Тумандаги фермер хўжаликларидан бирининг раҳбари. Навқирон ёшда деганимизнинг боиси шуки, 39-40 ёшда инсон ақлий жиҳатдан етукликка эришган бўлади. Ҳар қандай ишни ақл тарозисида ўлчаб, хулоса чиқаради ва иш юритади.

Сардорнинг фермер хўжалигига раҳбарлик қилиши, умуман, фермер деган сўзнинг ўзи кишининг дилида иликлик ва ҳурмат уйғотади. Чунки ҳозирги давр фермерлари моддий бойликлар яратадилар. Уларнинг меҳнатлари туфайли дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон, бозору дўконларимиз турли хил маҳсулотлар билан тўла. Демак, фермер ҳурматиззатга лойиқ одам. Фермер хўжалигининг раҳбари буни ҳис этиши ва ўз фаолиятининг бирор-бир соҳасида ҳам қонунбузилишига йўл қўймаслиги керак эди. Аммо судда унинг ҳисобидан давлат фойдасига 7 миллион 627 минг 625 сўм ундирилиши тўғрисида ҳукм чиқарилиши унинг жиддий хатога йўл қўйганлигини кўрсатади. Ҳа, у солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган эди. Шу боис, суд юқорида кўрсатилган суммани ундириб олиш ва шу ҳисобдан тўланиши лозим бўлган пеняни белгилаш ҳамда ундириш бўйича туман ДСИга келгусида хўжалик судига даъво киритиш ҳуқуқини очиқ қолдиришга қарор қилди.

### МОЙЖУВОЗНИНГ МОЙИ

Мойжувознинг мойидан эҳтиёт бўлинг! Хуфиёна тарзда ишлаб чиқариладиган бундай маҳсулот соғлиғингиз учун кони зиён. Тозаланмаган пахта ёғи таркибида зарарли моддалар бор. Уни уй шароитида зарарсизлантиришнинг имкони йўқ. Бундан ташқари, мойжувозда ишлаб чиқариладиган мой гигиеник жиҳатдан ҳам талабга жавоб бермайди.

Бу гапларни ким эшитмаган, ким билмайди, дейсиз! Мойжувознинг мойи ва унинг киши организми учун зарарли эканлигидан деярли ҳамма хабардор. Шунга қарамай мойжувозлар бор, унинг ёғига харидорлар ҳам бисёр. Инсон учун дунёда соғлиқдан катта бойлик йўқ. Аммо айрим кишилар мойжувозларда тайёрланган, тозаланмаган пахта ёғини харид қиларканлар, арзонроқ олганларини ўйлаб хурсанд бўладилару, бебаҳо бойликларини бой бераётганларини ўйламайдилар.

Косон туманидаги "Бобур" чакана савдо бирлашмасида сақланаётган 200 килограмм пахта ёғи ҳам харидор кутарди. Аммо ўтказилган тезкор тадбир натижасида бунинг олди олинди. 600 минг сўмлик пахта ёғи, 102 910 сўмлик 410 килограмм кунжара ҳамда хуфиёна маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган кабель, жувоз ускунаси, баҳоси 500 минг сўм турадиган 11 киловаттли электродвигатель тегишли тартибда олиб қўйилди. Судланувчи Шобида Раимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) эса ЖКнинг 186-2-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан жиноят ишлари бўйича туман суди ҳукми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Келтирилган мисоллардан ҳам англаш мумкинки, жиноят ўз-ўзидан содир бўлмайди. Тасодифларни ва бахтсиз ҳодисаларни мустасно қилганда, яъни бошқа барча ҳолатларда жиноятнинг содир этилиши инсон онгига боғлиқ, дейиш мумкин. Масалан, бировнинг молини ўғирлаш ниятида бўлган одам аввал уни онгида роса пишитади, мол ёки мол-мулк эгасининг ҳаётини кузатади ва қулай фурсат келиши билан ўзининг қабиҳ ниятини амалга оширади.

Шундай экан, жиноятчиликнинг олдини олиш учун одамлар онгига халқимизнинг юксак қадриятига айланган иймон, эътиқод, диёнат ва ҳалоллик каби хусусиятларни сингдира бориш керак. Маънавий етук инсон ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди.

# Ўғирликнинг интиҳоси

*Ўғилчаси билан боғчадаги қизини олиб келиш мақсадида йўлга отланган хонадон бекаси кўча эшигини ёпгач, қулфланганига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш учун тортиб кўрди-да, хотиржам бўлиб, лифтга чиқди...*

**Дилшод ПАРДАЕВ,**
Шайхонтоҳур туман прокурори ўринбосари
**Ғофуржон АЛИМОВ** ,
«Huquq»

Боғчадан қайтишда бир-икки танишларини учратиб, бироз суҳбатлашди. Аммо уйга киргач, буюмларининг ҳар томонда сочилиб ётганини кўриб, эсини йўқотиб қўяёзди. Жон ҳолатда ётоқхонага югурди. Қай кўз билан кўрсинки, хонадаги шкаф очилган бўлиб, неча йиллардан бери болаларимнинг тўйига, дея йиғиб келаётган тилла буюмлари, шунингдек, укасига тегишли анча-мунча қимматбаҳо буюмлар қўйиган жойида йўқ эди. Бека вақтни ўтказмай милицияга хабар берди. Тезда етиб келган ходимлар терговолди суриштирув ишларини бошлаб юборишди.

Орадан беш кунлар ўтгач, бир юмуш билан "Фарҳод" бозорига борган бека тилла буюмлар сотаётган бир аёлнинг қўлида уйидан ўғирланган тилла тақинчоқларни кўриб қолди-ю, зумда бу хабарни милиция ходимларига етказди. Бозорга келган тезкор ходимлар аёлни ички ишлар бўлимига таклиф қилишди. Аввалига тилла тақинчоқлар ўзиники эканлигини таъкидлаб турган аёл улар ўғирланганлигини билгач, бир қиздан сотиб олгандим, дея ўзини оқлашга ҳаракат қила бошлади:

— Уч-тўрт кун олдин ўша қиз эри билан олдимга келиб, уй сотиб олмоқчи бўлаётгани, шунинг учун тиллаларини сотмоқчи эканлигини айтиб қолди. Асосан шу иш билан шуғулланаман, рози бўлдим. Тилла тақинчоқларни олиб келгандан кейин озроқ пул бериб юбордим. Бир мунчасини таниш заргарга бериб, эритиб олдим. Қолгани уйимда. Керак десанглар, бориб, олиб келаман.

Аёлнинг уйига келиб, тинтув ўтказилаётганда тўсатдан уйдаги телефон жиринглаб қолди. Салом-алик қилган аёл, "Яхши, хўп-хўп, келишинглар мумкин, уйдаман", деб гўшакни жойига қўйди-да, тезкор ходимларга юзланди:

— Бу ўша, тиллаларнинг эгаси. Тиллаларнинг пулини сўраяпти. Эри билан келар экан.

Бу гапни эшитган ходимлар "меҳмон"ларни кутиб олишга тайёргарлик кўра бошлашди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай эшикдан 20 ёшлардан салгина ўтган ёшгина жувон кириб келди. У ичкарига кирди-ю, ходимларни кўриб, нима қиларини билмай қотиб қолди. Орадан маълум вақт ўтиб эса, яна бир йигитни ҳам бошлаб киришди. Буни қарангки, "меҳмон" шу заҳоти ҳеч нарсани яширмаган ҳолда тилла тақинчоқларни бир хонадондан ўғирлаб чиққанини айтиб берди.

Маълум бўлишича, 1989 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Шаҳноза Содиқходжаева биринчи марта 15 ёшидаёқ суднинг қора курсисига ўтиришга улгурган бўлиб, эри билан турмуши бўлмагач, ажрашади-да, кўп ўтмай ўзидан уч ёш катта Санжар исмли йигит билан танишади. МЧЖда такси ҳайдовчи Санжар ёш бўлса-да, анча-мунча нарсани кўришга улгурган Шаҳноза билан бу танишув вақти келиб ўзини қандай кўргуликларга дучор қилишини билганидами? Аммо, ғишт қолипдан кўчган, танишувдан кўп ўтмай қиз бу йигитни "гаҳ" деса қўлига қўнадиган қилиб олган эди.

Хуллас, икки ёш 2010 йилнинг баҳор ойларида шаръий никоҳдан ўтиб, бирга яшай бошлашди. Кўп ўтмай, келин билга куёвни эргаштирганча, "иш"га йўл олади. Улар пойтахтнинг Чилонзор тумани "Гулистон" мавзесидаги уйлардан бирининг олдига келишгач, Шаҳнозанинг буйруғи билан вазиятга кўз-қулоқ бўлиб туриш Санжарга топширилади ва у уй олдида қолади. Шаҳноза уйга киргач, юқори қаватга кўтарилади-да, хонадонлардан бирининг тақиллатиб кўради. Ҳеч ким жавоб бермай, уйда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, сумкасидан калитлар шодасини чиқариб, бирма-бир қулфга солиб кўра бошлайди.



Ниҳоят, калитлардан бири қулфга тушади ва у эшикни очиб, ўзини ичкарига уради. Хоналарни тинтиб, асосан тилла тақинчоқлардан иборат жами 6 млн. 600 минг сўмлик мулкни ўғирлаб чиқади. Тиллалар сотилиб, пулини ишлатиб бўлишгандан кейин "эр-хотин" навбатдаги "ўлжа"нинг изидан тушишади. Бу сафар Мирзо Улуғбек туманидаги уйлардан бирини мўлжалга олиб, ишга киришадилар ва юқоридаги усул билан ичкарига кириб, хонадон эгасининг 3 млн. 420 минг сўмлик тилла буюмларини қўлга киритадилар.

Кейинги гал уларнинг кутилмаган ташрифи натижасида Юнусобод туманидаги бир хонадон эгаси 2 млн. 475 минг сўмлик буюмларидан ажралиб қолади.

Август ойига келиб, Чилонзор туманидаги уйлардан бирида истиқомат қилувчи фуқаронинг уйда йўқлигидан фойдаланган икковлон унинг 971 минг сўмлик мулкини ўмариб чиқадилар.

Орадан роппа-роса бир ой ўтгач, Чилонзор туманидаги Чилонзор-8 мавзесида жойлашган уйлардан бирининг олдига келиб тўхтаган машинадан тушган Шаҳноза Санжарни пастда қолдириб, юқорига йўл олади. Яна калитларни ишга солиб, уйлардан бирини очади ва охир-оқибат 3 млн. 770 минг сўмлик мол-мулк уларнинг қўлига ўтади.

Навбатдаги хонадонга "меҳмон" бўлиш икки ойдан кейин содир бўлади. Бу "меҳмон"дорчилик оқибатида Учтепа туманидаги уйлардан бирининг эгасига 2 млн. сўмлик моддий зарар етказилади.

Шундан кейин озроқ "дам" олишди. Орада янги йил кирди. Январь ўтиб, февраль ҳам бошланди. Ойнинг охирларида яна "ов"га отланишди. Бу сафар Чилонзор туманидаги уйлардан бирининг эгаси йўқлигидан фойдаланиб, ичкарига кирган Шаҳнозанинг ҳафсаласи пир бўлиб, қайтиб чиқди. Ахир озмунча ҳаракат қилдими? Калитлар шодасининг ичидан мосини танлашнинг ўзи бўладими? Шунча оворагарчиликнинг эвазига атиги 40 минг сўм пулни қўлга киритибди, холос.

Аммо кейинги хонадонга қилинган "ташриф" анча-мунча баракали бўлди. Бўлмасам-чи, Шайхонтоҳур тумани Гулханий кўчасида жойлашган уйдан 3 млн. 800 минг сўм пулдан ташқари, нархи 600 минг сўмлик аёллар тилла занжири, 350 минг сўмлик никоҳ узуги, яна бир аёллар узуги ҳамда ҳисобида 100 минг сўм пул бўлган пластик карточкани эгасига билдирмасдан ўмариб чиқиб, бир соатнинг нари-берисида шунча маблағга эгалик қилиш кимга ёқмайди, дейсиз?!

Икки ойдан сўнг яна йўлга отланган икковлон бу гал Мирзо Улуғбек туманидаги уйларни қора тортиб боришди. 3-қаватдаги хонадонга калит танлаш йўли билан кирган Шаҳноза ҳаш-паш дегунча 1 млн. 500 минг сўмни сумкасига солиб чиқди.

Икки ҳафтадан кейин яна шу тумандаги бошқа уйнинг эгаси ишдан қайтиб келди-ю, уйига ўғри тушганини билди. У ёқ бу ёққа қараб, 1 млн. 776 минг сўмлик мол-мулкидан ажралиб қолганини англагач, милицияга хабар беришга ошикди.

"Эр-хотин"нинг навбатдаги юриши ҳам унчалик ёмон бўлмади. Яккасарой туманидаги уйлардан биридан ўмарилган 3 млн. 430 минг сўмликка яқин пул ва буюмлар уларга бир ҳафтага етди.

Ҳар бир нарсанинг аввали бўлганидек, охири ҳам бўлади. 2011 йил 8 июль куни "Бунёдкор" кўчасида жойлашган уйга қилинган "ташриф" Шаҳноза билан Санжар учун сўнггиси бўлди. Ўша куни ҳам одатдагидек йўл тутишди: Шаҳноза калитлар шодаси билан эгаси йўқ хонадон қидириш мақсадида ичкарига кириб кетди. Санжар бўлса йўлак олдида пойлоқчилик қиладиган бўлди. Очиғини айтиш керак, Шаҳноза бу ердан анчайин хурсанд бўлиб чиқди. Ахир, 2 минг 700 АҚШ долларидан ташқари, иккита эркаклар ва бир дона қимматбаҳо аёллар соатлари, қўл телефони, "Каптива" русумли автомашинанинг эхтиёт калити ва энг асосийси, 172 млн. 500 минг сўмлик тилла буюмларни қўлтиқлаб чиқиб турибди-да... Умуман олганда эса, шу куни ушбу хонадон эгаси жами 177 млн. 855 минг сўмликдан зиёд мол-мулкидан ажралиб қолган эди.

Мақоламиз аввалида айтганимиз — "Фарҳод" бозорида тилла буюмлар билан савдо қилаётган аёлнинг қўлида ўзининг тақинчоғини кўриб қолиб, ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимларига хабар қилган жабрланувчи бу билан ушбу жиноятларнинг очилишига сабабчи бўлди.

Дастлабки тергов ва суриштирув ишларидан маълум бўлишича, эгасиз уйларга рухсатсиз "ташриф" буюрувчиларнинг ўғирланган тилла буюмларни сотиб олган бозорчи аёл юқорида қайд этганимиздек, "уй сотиб олиш илинжида" тиллаларини сотмоқчи бўлган эр-хотин билан савдолашиб, барча буюмлар учун 44 минг АҚШ доллари бермоқчи экан. Аммо таниш заргар тиллаларнинг пробаси кам дегани учун бу нарх 33 минг АҚШ долларига тушади ва биринчи гал Шаҳнозага 1 млн. 400 минг сўм, кейин 2 млн. 200 минг сўм, сўнгра 1 млн. бошқа сафар эса 400 минг сўм миқдорида пул беради...

Тергов ишлари тугаб, бир эмас, 13 та хонадонга яширинча кириб, бировларнинг мол-мулкига кўз олайтирган Ш.Содиқходжаева ҳамда С.Олимовларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судга оширилиб, ҳукм ҳам ўқилди. Унга кўра, Ш.Содиқходжаевага 10 йил, С.Олимовга эса 10 йилу 10 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шунингдек, улардан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни солидар тартибда ундириш ҳам белгилаб қўйилди.

# Қарзни ёпиш усули

**Камол ЖАВДАНОВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси

Табиий газдан қарздорлигини билиш мақсадида Тайлоқ туман газ таъминоти идорасига борган Бахтиёр у ерда табиий газдан 1 млн. 400 минг сўм қарзи борлигини эшитди-ю: "Энди нима қилдим-а?", деб ҳайрон бўлиб турганида Акрамжонни учратиб қолди. Акрамжон "Марказгазтаъминот" УКга қарашли "Тайлоқтумангаз" филиалининг ер ости кимёвий ҳимоялаш хизмати бошлиғи вазифасида ишларди. Бахтиёр уни аввалдан танигани учун:

— Ака, нотариал идорага газдан қарзи йўқ, деган маълумотнома керак экан. Идорангизга келсам, 1 миллион 400 минг сўм қарзингиз бор, дейишаяпти. Бунча пулни бирданига тўлашга қурбим етмайди. Нима қилай, ёрдам беринг, — деб илтимос қилди.

— Қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома керак бўлса, қарзни тўлиқ тўлаш керак-да, — деди Акрамжон.

— Ака, қарзимни тўлайман, фақат бўлиб-бўлиб.

— Агар хоҳласангиз яна бир арзонроқ йўли бор, — деди бироз ўйланиб турган Акрамжон. — Сиз ҳозир қанча пул бера оласиз?

— 500-600 минг сўм бера оламан.

— Йўқ, бу кам. Агар сиз 300 доллар берсангиз, ҳам маълумотнома бераман, ҳам қарзингизни компьютердан ўчириб, янги абонент тўлов дафтарчаси бераман, — деди Акрамжон.

Бахтиёр рози бўлиб, туман газ идорасидан чиқиб кетди. Аммо, у йўлда бу ноқонуний хатти-ҳаракат ҳақида тегишли жойга мурожаат қилиш кераклигини англади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этди.

Бахтиёр диктофон билан яна Акрамжоннинг олдига келди.

— Ака, маълумотномангиз, янги тўлов дафтарчангиз сохта эмасми, ишқилиб, — деб сўради.

— Йўқ, ҳаммаси ҳақиқий бўлади.

Ушбу суҳбатни диктофонга ёзиб олган Бахтиёр Акрамжонга 100 АҚШ доллари бериб, ундан газдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома олди. Кейинчалик бу маълумотнома сохта бўлиб чиқди.

— Эртага келиб қолганини бераман ва сиздан тўлов дафтарчани олиб кетаман, — деди Бахтиёр кетар чоғи.

Акрамжоннинг вақти бўлмаганлиги сабабли улар икки-уч кундан сўнг учрашишди.

— Энди ака, абонент тўлов дафтарчани янги йилдан сўнг тайёрлаб бераман. Ҳозир иложи йўқ, — деди идора ходими.

— Унгача кутолмайман, янги йилдан сўнг Россияга кетишим керак, — гапида туриб олди Бахтиёр ҳам.

Шундан сўнг Акрамжон уни корхона ҳуқуқшуносининг хонасига олиб кириб, уларни таништириб қўйди. Ҳуқуқшунос бироз гаплашиб, вазиятни тушунгач, "астойдил" ёрдам берадиган бўлди. Хуллас, келишилган кун Бахтиёр Шарофни яна идорага келди. Улар тушликни бирга қиладиган бўлишди.

Ошхонада Бахтиёр, Шароф ва газ идорасининг яна бир ходими биргаликда тушлик қилишди. Ҳуқуқшунос шу ерда Бахтиёрдан 200 АҚШ долларини олди. Аммо унга бу пуллар насиб этмади. Соҳа ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Шароф Ярматов ашёвий далил билан қўлга олинди.

Тамагир "Тайлоқтумангаз" филиали ходимлари Акрамжон Саидов ва Шароф Ярматовлар қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилдилар. Ўз вазифасини суиистеъмол қилишнинг оқибати яхшилик билан тугамаслиги яна бир бор ўз исботини топди.

# Қўйнидан тўкилса қўнжига...

***Раҳбарлик юкининг нақадар оғирлигини бундай лавозимда фаолият юритганлар яхши биладилар. Шу маънода Шеробод туманида туғилиб-ўсган Улуғбек Джумаевга ҳам осон тутиб бўлмайди. У эгаллаган лавозим ҳам унча-мунчалардан эмас, кимсан давлат акциядорлик тижорат "Асакабанк"нинг Сурхондарё вилоят филиали бошқарувчиси бўлса...***



Аммо 2010 йилнинг февраль ойида ушбу лавозимга тайинланган У.Джумаев бу вазифани ўзгача тушунди, шекилли, аввало ўзининг манфаатини биринчи ўринга қўйди. Яъни, бажариши лозим бўлган вазифалардан бўшаган вақтда банк ҳуқуқшуноси билан пул муомалалари бўлими мутахассисини ҳузурига чорлайди. Улардан банкнинг валюта айирбошлаш шохобчаларига қанча миқдорда АҚШ доллари олишга рухсат берилганини сўраб билгач, ўйлаб қўйган режасидан ходимларни ҳам хабардор қилади. Ушбу режага кўра, бу ходимлар танишлари орқали фуқароларни топиб, валюта айирбошлаш шохобчаларидан уларнинг паспортлари орқали АҚШ доллари олишлари, бунинг эвазига ўша фуқароларнинг ҳар бирига 10 мингдан 15 минг сўмгача пул бериб, рағбатлантиришлари керак эди.

Режа аниқ ва пухта бўлгач, уни амалга ошириш унчалик қийинчилик туғдирмади. Шу боис, гуруҳ аъзолари баҳамжиҳат бўлиб ишга киришдилар ва бир неча фуқарони топиб, улар орқали валюта айирбошлаш шохобчаларидан АҚШ долларини давлат баҳосида олишди. Кейин "қора бозор"га олиб бориб, устига нарх қўйиб сотишди. Ўртадаги фарқни эса банк ходимларига келтириб беришди. Улар ҳам ўз навбатида ушбу пулдан бошқарувчига уларни қўллаб-қувватлаб турганлиги эвазига кунига 1000 АҚШ доллари ҳамда ҳар ойда 15 млн. сўмдан келтириб беришади. Шу тариқа У.Джумаев бошқарувчи бўлиб ишлаган даврда қонунга хилоф эканлигини билса-да, жами бўлиб 285 млн. сўмни пора тариқасида олган. Айтмоқчи, АҚШ долларларининг "қора бозор"да сотилиш нархини ҳам айнан У.Джумаев белгилаб берган экан.

Бундан ташқари, бошқарувчининг гумашталаридан бири АҚШ долларининг "қора бозор"да сотилиши учун ким қанча миқдорда доллар олганлиги, шундан ким қанча АҚШ доллари ёки сўм олиб келиб бериши кераклиги ҳақида ён дафтарчасига қайд этиб бориши шарт бўлган. Ҳар сафар иш амалга ошиб, пуллар йиғилгач, рўйхат ёзилган варақа йиртиб ташланган, яъни жиноий излар шу тариқа йўқотилган. Бир банк кунида ўртача 20 мингдан 40 минггача АҚШ доллари сотилишини ҳисобга оладиган бўлсак, валюта айирбошлаш шохобчасидан олиниб, "қора бозор"да сотиладиган доллардан қанча тушум қолишини билиб олиш қийин эмас.

Шунингдек, раҳнамонинг шахсий харажатлари ҳақида қайғуриш гуруҳдаги бошқа бир аъзонинг зиммасига юкланган бўлиб, ҳатто меҳмонларни кутиш ҳам унга топширилган.

Ўйлаган режаси амалга ошиб, чўнтагига мўмай даромад ўз-ўзидан оқиб келавергандан кейин бошқарувчининг хаёлига бошқа фикр келади ва вақтни қўлдан бермай, бунисини ҳам амалга оширишга киришади. Бунинг учун "Асака" автомобил заводида ишлаб чиқарилган автомашиналарни Сурхондарё вилоят "Автотеххизмат" филиалидан ёки унинг диллерларидан сотиб олиш мақсадида давлат томонидан белгиланган нархда банкнинг вилоят филиалига нақд пул топширган фуқароларга пул топширганлиги ҳақида квитанция тақдим этишади. Аслида эса ҳар бир фуқаро топширган пулдан 5 фоизини олиб қолиб, ҳужжатларни қалбакилаштиришади-да, қолган суммани банкка кирим қилишади. Ўртадаги фарқ, яъни ушлаб қолинган 5 фоизни ўзаро бўлишиб олишади.

Вақти келиб, банкнинг вилоят филиалида аҳолига автомашина етказиб бериш суммаси ва чет эл валютасини сотиш суммаси ўртасида катта фарқ борлиги, яъни "бонус" операцияси оқибатида "Асакабанк"нинг Сурхондарё вилоят филиалида 478 млн. 970 минг сўм, Денов туман мини банкида эса, 166 млн. 51 минг сўм пулларнинг ўрни йўқлиги аниқланади. Бундан хавотирга тушган У.Джумаев бошчилигидаги гуруҳ аъзолари ўртадаги фарқни тўлдиришни жиноий шериклари орқали валюта қимматликларини "қора бозор"да сотиш йўли билан қопламоқчи бўладилар.

Аммо ўз вақтида ўтказилган тезкор тадбир натижасида улар бу ниятларини амалга ошира олишмади. Натижада бошқарувчи ҳамда банк ходимларининг шериклари валюта қимматликлари олди-сотдиси билан ноқонуний равишда шуғулланаётган вақтда қўлга олиндилар. Улар шу даражада шошиб қолишадики, гуруҳ аъзоларидан бири ашёвий далил ҳисобланган 6 минг АҚШ долларини шу ердаги каналга ташлаб юборади. Шунингдек, унинг ёнидан яна 2 минг АҚШ доллари топилади...

Юқорида баён қилинган ҳолатлардан ҳам кўриниб турибдики, раҳбарликнинг юки Улуғбек Джумаевга оғирлик қилган. Йўқса, банк соҳасида 2006 йилдан фаолият юритишни бошлаб, тўрт йилда бошқарувчи лавозимини эгаллаган бу инсонга унинг ўзига билдирилган ишончга яраша меҳнат қилиш қийинмиди?! Афсуски, у бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмади. Бунинг ўрнига "Давринг келди, сур бегим" қабилида иш кўришни маъқул кўрди. Нима ҳам дердик, ҳар ким экканини ўради. Суд томонидан айбдорларга қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

**Шерали АҲМЕДОВ,**
Сурхондарё вилоят прокурори ёрдамчиси

# Ўзингга эҳтиёт бўл...

**Яҳёбек МАМАТКАРИМОВ,**
Бекобод туман прокурори ёрдамчиси

***Ишдан эртароқ қайтган Камол ўйлаб қўйган ишларини қоронғу тушгунча бажариб қўйишни мўлжаллаб, молхона томонга ўтди-ю, у ерда ётган мармар тошларни кўриб ҳайрон бўлди. Шоша-пиша ичкарига кириб, телевизор кўриб ўтирган отасидан тошлар қаердан келганини сўраган эди, у қўшнилари Аброр илтимос қилиб, қолдириб кетганини айтди.***



Ўғлининг ҳужжатлари бор эканми, деган саволига, "бўлса керак", дея жавоб берди. Отаси тайинли жавоб бермаганидан кўнглига шубҳа оралаган Камол воқеани ойдинлаштириш учун қўшнисиникига йўл олди.

— Ҳа, улармi? — Аброр у билан сўрашар экан, тошлар қаердан келганига изоҳ беришга киришди. — Уч-тўрт кун олдин уйга сув олиб келаётганимда бир одам келиб, мармар олиб-сотиш билан шуғулланишини айтиб қолди. Ўзи Тошкентда яшар экан. Исмини Салим деди. Аксига олиб, бу сафар битта "ЗИЛ"га ортиб келган молини харидор олмайман, деб қайтарибди. Шунга "тошларни сизникида вақтинча қолдириб кетсам, харидор топишим билан олиб кетардим", деб илтимос қилиб қолди. Йўқ дейишга кўнглим бўлмади.

— Ака, илтимос билан келган одамга йўқ демай, яхши қилибсиз. Аммо нима учун ўзингизнинг уйингиз қолиб, бизникига туширтирдингиз? — ҳайронлигини яширмади Камол.

— Гапинг тўғри. Тошларни ўзимнинг уйимга туширишим керак эди. Аксига олиб, дарвозахонам йўқлигини ўйлаб ҳам кўрмабман. Шу пайт сизларникига эсимга тушиб қолди-да, чиқиб, отангдан рухсат сўрадим. У йўқ демади. Хуллас, тошларни сизларникига туширдим. Хавотир олма, эгаси тезда келиб, олиб кетар экан. Уйингларда сақлаганинглар учун рози қиламан, дедим-ку, сенгаям уч-тўрт сўм чиқариб бераман.

Бу гапларни эшитган Камол, "бўлмайди, мармарларингизни бизникидан олиб чиқиб кетинг", демоқчи бўлди-ю, журъат қилолмади. Ахир қўшни бўлса, бунинг устига отаси рози бўлибди. Шунинг учун бошини қашиб турди-да, "Майли, ака, гап пулда эмас, фақат тошларни тезроқ олиб кетишса бўлгани", дея кўчага йўналди-ю, тўсатдан тўхтаб, Аброрга юзланди:

— Айтмоқчи, ака, бу тошларнинг ҳужжати борми, ўзи?

— Бўлмасам-чи! Ўзинг ўйлаб кўр, ахир ҳужжати бўлмаса, бир машина тошни қандай қилиб бу ерга олиб келарди.

Камол шундан кейингина уйига чиқиб кетди. Аммо унинг ҳужжат ҳақидаги гаплари Аброрни ўйлантириб қўйди. "Дарвоқе, ҳужжатлари бормикан ўзи? Салим акага хўп дебман-ку, мармарларингизнинг ҳужжати борми?" деб сўрамабман-а? Каллам қурсин! Ишқилиб, ҳужжати жойида бўлсин-да"...

Шундан кейин орадан уч ойга яқин вақт ўтди. Бироқ мармарларни олиб кетишга ҳеч ким келмади. Январь ойининг ўрталарида Камолларнинг эшигини тақиллатган ички ишлар бўлими ходимлари ундан мармар тошларнинг ҳужжатини сўрашди. Камол ҳам ўз ўрнида бу тошлар қўшниси Аброр акага тегишли эканлигини айтиб, уникига бошлаб чиқди. Тезкор ходимлар Абрордан ҳужжатлар ҳақида сўрашган эди, у жўяли жавоб беролмади...

Ушбу ҳолат юзасидан тезда зарур ҳужжатлар расмийлаштирилди. Терговолди ҳамда суриштирув ишларидан сўнг иш судга оширилди.

Маҳсулотни хатлаш ва баҳолаш далолатномасига кўра, ҳар бирининг бозор баҳоси 80 минг сўмдан бўлган 40X150 ҳажмдаги 87 дона ҳамда ҳар бирининг бозор нархи 35 минг сўмлик 40X90 ҳажмдаги, жами баҳоси эса 20 млн. сўмдан ошиқ бўлган ушбу мармарлар суднинг ҳукмига кўра давлат эгалигига ўтказилиб, давлат мулки ҳисобланган тошларни қонунни четлаб ўтиб сақлаган А.Муродовга 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

***Пойтахтга меҳмон бўлиб келган Шокир Холмуродов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жанжалнинг устидан чиқди. Акасининг уйидаги бақир-чақирнинг асл сабабини суриштириб ўтирмай, ўртага тушди. Келинойисининг укасига эр-хотин ўртасидаги муносабатга аралашмаслик кераклигини уқтирмоқчи бўлганида, "Ишинг бўлмасин", деган жавобни олди-ю, ғазаб отига минди. Энди почча ва қайнука ўртасидаги даҳанаки жанг эр-хотиннинг укалари ўртасидаги муштлашувга айланди. Бу можаронинг "жабрланувчиси"га (ўзининг наздида шундай) айланган Шокир қандай қилиб бўлмасин, қариндошидан ўч олиш пайига тушди.***

# Туҳматчи қариндош

**Б.ИСАЕВ,**
Мирзо Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси

Аммо қандай қилиб денг, у бу йўлда антиқа усулдан фойдаланди. Қўлига қоғоз-қалам олиб, Мирзо Улуғбек туман прокурори ва ИИБ бошлиғи номига ариза ёзиб, Баҳодир Боқиевнинг "қилмиш"ларини бирма-бир баён қилди. Эмишки, Баҳодир 2011 йил 15 июнь куни Қорасу-1 мавзесида жойлашган "Наврўз" кафесида танишининг "Нексия" автомашинасини олиб бераман, деб ундан 8 минг АҚШ доллари олган-у, ваъдасини бажармай алдаб юрган. Бундан ташқари, қариндоши 2011 йил 18 июль куни ундан Тошкент Аграр университетига олиб кириб қўяман, дея 3 минг АҚШ доллари олган экан. Шу тариқа Шокир акасининг қайнукасини фирибгарликда айблаб, унга нисбатан қонуний чора кўришларини сўраб, мурожаат қилган. Аслида эса, буларнинг бари уйдирмадан бўлак нарса эмасди.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди Шокир Холмуродовнинг қилмишини кўриб чиқиб, унга энг кам ойлиқ иш ҳақининг 30 баробари миқдорида, яъни 1 млн. 887 минг 600 сўм жарима жазосини тайинлади.

Ана энди Шокир бировга туҳмат қилиш қандай оқибатларга олиб келишини яхши тушуниб олган бўлса керак.

# Аукционда Ганди мактублари



France-Presse ахборот агентлигининг хабар беришича, Ҳиндистон ҳукумати аукционда Махатма Ганди билан боғлиқ мактублар тўплами, ҳужжатлар ва фотосуратлар жамланмаси учун 1,1 млн. доллар тўлаган. The Indian Expressнинг маълумотига кўра, Ҳиндистон маданият вазирлиги экспертлари аукциондан аввал ҳужжатларнинг ҳолатини изчил ўрганишди ва улар яхши сақланганлигини ҳамда ҳинд халқи, маданияти учун қадрли ашё эканлигини таъкидлашди. Энди мазкур ноёб коллекция Ҳиндистон Миллий архивида сақланади. Коллекциядаги ҳужжатлар ва фотосуратлар 1904 йилда Йоханнесбургда Махатма Ганди билан танишган Герман Калленбахга тегишли бўлган. Ҳиндистон маданият вазири котибининг сўзларига кўра, харид қилинган мазкур ноёб буюмлар Ганди фалсафасини ўрганишда беқиёс манба бўлиб хизмат қилади.

Буюк ҳинд етакчисининг Калленбах билан ёзишмаларининг бир қисми айни вақтда Миллий архив тасарруфига киритилган. 1905-1954 йилларга оид ёзишмалар ҳинд тарихшуноси Рамчандр Гуха томонидан Калленбахнинг жиянига тегишли бўлган уйдан олинган. Мактубларнинг кўп қисми Гандининг қариндошлари ва дўстлари томонидан ёзилган. Шунингдек, улар орасида Гандининг илк сиёсий фаолияти, қарашлари ҳамда унинг Калленбах билан боғлиқ оилавий ва дўстона муносабатларини акс эттирувчи 13 та мактуб ҳам бор.

Шуниси эътиборлики, Ҳиндистон ҳукумати аввалари аукционларни Ганди буюмларини сотганлиги учун танқид қилиб келарди. Сабаби Гандининг ўзи моддий қимматликларни инкор этиб келган экан.

# 14 йилга маҳкум этилди



Гаага халқаро жиноят суди Конго демократик республикасининг собиқ дала командири Томас Лубанга Дьилони 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этди, дея хабар беради France Presse ахборот агентлиги.

Лубанга 2006 йил март ойида ҳарбий жиноятчи сифатида тан олиниб, Конго демократик республикасида қўлга олинган эди. Жиноятчининг иши бўйича суд жараёни 2009 йилда бошланганди. Аммо, собиқ командир айбини тан олмаган.

Маълум бўлишича, Лубанга 2002-2003 йилларда унинг қўл остидаги ходимлар ёш болаларни ўғирлаб, жанг қилишга мажбурлашгани учун ҳам айбланган. Бу пайтда у "Конго ватанпарварлари иттифоқи"ни бошқарган.

Эслатиб ўтамиз, 51 ёшли Лубанга 2006 йилда буён қамоқда эди. Суд унинг ўтаган жазо муддатларини инобатга олиб, яна 8 йил умрини панжара ортида ўтказишини таъкидлади.

# «Синалоа» вакиллари ушланди

Мексика ҳукумати "Синалоа" картелининг 2 нафар юқори мартабали аъзоси ҳибсга олинганини маълум қилди. Бу шахслар АҚШнинг гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш Агентлиги томонидан қидирилаётган эди.

Гумонланувчилар Фернандо Арреллиано Ромеро ва Даниэль Франко Лопес исмли шахслар бўлиб, улар билан бирга яна бир аёл ҳам қўлга олинган. Бундан ташқари, ноқонуний гиёҳвандлик воситалари савдоси операциясида иштирок этган, юқоридаги жиноятчиларнинг шериклари бўлган 2 нафар эркак полициядан қочиб, яширинишга улгурган. Ҳозирча уларнинг номи маълум эмас.

Бундан аввалроқ АҚШнинг ноқонуний гиёҳвандлик воситалари савдосига қарши курашиш Агентлиги "Синалоа"нинг гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси, ўғирлик, қотиллик ҳамда жиноий даромадларни ўзлаштириш каби жиноятларда гумонланаётган 20 нафар аъзосининг рўйхатини маълум қилган эди.

# Италия йўлларидаги қурбонлар



Ливиядан Италия қирғоқларига резина қайиқда йўл олган 54 нафар одам йўлда ташналикдан ҳалок бўлди. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги БМТнинг қочоқлар билан боғлиқ ишлар агентлиги маълумотига таяниб хабар берди. Жон сақлаб қолишга муваффақ бўлган биргина Эритрея фуқаросини Тунис қирғоқ соқчилари қутқариб олишган.

Тирик қолган муҳожирнинг сўзларига кўра, у шериклари билан июнь ойининг охирларида сафарга чиққан. Қайиқ Италия қирғоқларига яқинлашганда денгизда кутилмаганда кучли шамолга дуч келган. Шунингдек, ичимлик сувининг етишмаслиги ҳам йўловчилар ўлимига сабаб бўлган.

БМТнинг маълумотларига кўра, 2012 йилнинг шу вақтига қадар Ливиядан Европага йўл олган 170 нафар одам қурбон бўлган. 1300 нафар муҳожир денгиз орқали Италияга, яна минг нафари эса Мальтага етиб олишга муваффақ бўлган.

# Ортиқча харажатларга қарши



Bloomberg ахборот агентлигининг маълумотига кўра, Хитой ҳукумати қимматбаҳо буюмлар, ҳаддан ташқари қиммат хорижий сафарлар ва серҳашам зиёфатли қабуллар учун давлат ташкилотларига бюджет маблағларидан сарфлашни тақиқлади. Мазкур янги қоиданинг қабул қилинишига юқоридаги каби харажатларга кўпчилик томонидан коррупциянинг бир кўриниши сифатида қаралиши ва аҳолининг норозилиги сабаб бўлган.

Маълум бўлишича, Хитой мансабдорлари 2004 йилда транспорт воситалари билан боғлиқ харажатлар учун 408,5 млрд. юан, яъни қарийб 64 млрд. АҚШ доллари, озиқ-овқат харажатлари учун 200 млрд. юан ҳамда хорижий сафарлар учун 300 млрд. юан миқдоридаги маблағни давлат бюджети ҳисобидан сарфлашган.

Хитой ҳукумати вакиллари мазкур чекловларни ХХР асосчиси Мао Цзедуннинг қуйидаги сўзлари билан изоҳлади ва афтидан, улар янги қоидани тўғри қабул қилишди: "Камтар бўлиш ва меъёр сақлаш" ҳамда "оддий ҳаёт кечириш". Мазкур қоида мамлакатда 1 октябрдан расман кучга киради.

# Осмонўпар уйлар томида

Лондон судьяси Чарльз Хэддон-Кейв пойтахтдаги осмонўпар биноларда яшовчи фуқароларнинг уй томига ҳаво ҳужумига қарши ракеталарнинг батареяларини жойлаштиришга қарши эканликлари ҳақидаги шикоятини рад этди. Гап шундаки, мазкур ракеталар 27 июлдан 12 августга қадар Лондонда ўтказилиши кутилаётган Олимпиадага тайёргарлик муносабати билан хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўрнатилаётган бўлса-да, мазкур уйларда яшовчи аҳолининг ташвишига сабаб бўлган.




Судьянинг фикрига кўра, ҳаво ҳужумига қарши юқори тезликдаги ракеталарга тегишли батареялар кўп қаватли биноларда яшовчилар учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

Маълумотларга кўра, бунга қадар ҳаво ҳужумига қарши мудофаа туркумидаги батареялар Лондоннинг теварак-атроф яхши кўриниб турадиган 6 та чекка нуқталарига жойлаштирилган. Бу борада шикоятчиларнинг омади чопмади: улар яшаётган уйлар мавзедаги энг баланд бинолардан ҳисобланар экан.

Эслатиб ўтамиз, Олимпиада ўйинлари ўтказилиши даврида хавфсизликни таъминлаш мақсадида 7500 та ҳарбий хизматчи, 1000 нафар полиция ходими, 13200 та хусусий қўриқлаш тизими ишчилари иштирок этадилар.

# Боғчадаги жиноятчи

Франциянинг Витри-сюр-Сен шаҳрида номаълум шахс боғчада бир одамни гаровга олди, дея хабар беради Associated Press ахборот агентлиги. Маълум бўлишича, жиноятчи асирни қўлга олингандан сўнг кўп ўтмай уни қўйиб юборган. Мазкур жиноят юзасидан айтилган фикрларга кўра, жиноятчи катта ёшли одамни тутқунликда ушлаб турган, яна бир бошқа маълумотга кўра эса, у аввалига болаларни асир олган ва кўп вақт ўтмай уларни қўйиб юборган. Жиноятчининг мақсади ҳозирча маълум эмас. Оммавий ахборот воситаларининг берган хабарига кўра, жиноятчи қуролланган экан.

Интернет хабарлари асосида **Баргида МЎМИНЖОНОВА** тайёрлади.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН *

## ЭСЛАТМА
## АУКЦИОН САВДОЛАРИ ХАБАРНОМАСИ!

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН *

***"Best Globe Realtor" масъулияти чекланган жамияти Аукцион комиссияси иштирокида очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "Бухоросут" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси билан ҳамкорликда "АУКЦИОН" савдоларига таклиф этади!***

**"АУКЦИОН"** савдолари 2012 йил 7 август куни соат 11:00 да "Аукцион ташкилотчиси"нинг Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (4-қавати)да жойлашган савдолар майдончасида бўлиб ўтишини эслатиб ўтамиз.

Мазкур савдоларга ОАЖ шаклидаги "Бухоросут" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасига қарашли бўлган **1-ЛОТ.** Бухоро шаҳар Коғон шоссеси 20а-уй манзилида жойлашган кўчмас мулк бино иншоотлари (икки қаватли маъмурий бино, кириш чиқиш жойи, ошхона, новвойхона, медпункт биноси, хўжалик омбори) ва 51 номдан иборат сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастгоҳи билан биргаликдаги мулклар жамланмаси сифатида қўйилади.

**Бошланғич баҳоси — 250 600 000 (икки юз эллик миллион олти юз минг) сўм.**

Мулклар жамланмаси жойлашган ҳудуднинг умумий ер майдони 3200,0 кв.метр, умумий қурилиш майдони 1212,75 кв.метр, фойдали майдони 1600,25 кв.метрни ташкил қилади.

**"АУКЦИОН"** ғолиби томонидан мулк учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ сотувчи билан имзоланадиган олди-сотди шартномасига асосан амалга оширилади.

**"АУКЦИОН"** савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талагорлар "Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

■ Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

■ Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

■ "Аукцион ташкилотчиси"нинг реквизитлари: ХХТУТ 83200, СТИР 302045495, МФО 00115 ОАТ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги 20208000204922559001 ҳисоб рақамига ЛОТ бошланғич баҳосининг 10 % (ўн фоиз) миқдоридаги гаров пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

■ Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати:

Жисмоний шахслар учун:- Фуқаролик паспортининг нусхаси;

Юридик шахслар учун: — Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси.

■ Савдода талабгорнинг вакили иштирок этса белгиланган тартибда тасдиқланган ишончноманинг асл нусхаси.

**"АУКЦИОН"** савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртмаономаларни қабул қилиш савдоларнинг ўтказилиши белгиланган мандзилда ҳафтанинг ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Закалат пулларининг киритилиши **"АУКЦИОН"** савдолари бошланишидан бир соат олдин, яъни 2012 йил 7 август куни соат 10:00 да, Буюртманомаларни қабул қилиш **"АУКЦИОН"** савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин, яъни 2012 йил 6 август куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Буюрманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.

Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

Лицензия RR 0029, E-mail: bg_rieltor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

ОАЖ шаклидаги "Бухоросут" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси.

Манзили: Бухоро шаҳар Коғон шоссеси 20а-уй.

## Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 2012 йил 13 август куни қуйидаги «Объект»ни сотиш бўйича оммавий оферта (тўғридан-тўғри музокаралар) ўтказилишини маълум қилади.

| Объектнинг номи | Манзили | Объектнинг техник характеристикаси | Бошлангич нархи | Энг кам инвестиция мажбурияти миқдори |
|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий ишлаб чикариш бирлашмаси Материалшунослик институтига карашли “Гараж, Устахона ва Омборхона бинолари” | Тошкент вилояти, Паркент тумани, Чанги қишлоғи | Объект (1982 йилда қурилган) аҳоли пунктида жойлашган бўлиб, умумий ер майдони 1,57 гектарга тенг. Объектда бир қаватли 3 та чуқурликдан (осмотровая яма) иборат гараж (535,06 кв .м.), бир қаватли устахона (222,39 кв.м.) ҳамда бир қаватли омборхона (231,04 кв.м.) бинолари мавжуд. Бундан ташқари, объект ҳудудида 2 та умумий майдонлари 405 ва 77,5 кв.м.га тенг бўлган ҳовуз ва спорт майдонча (30х35 м) мавжуд. | 205 577 200 сўм | 102 500,0 минг сўм |

**Оммавий офертанинг шарти:**

Музокаралар ўтказишнинг санаси, вақти ва жойи: 2012 йил 13 август куни соат 11:00да Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасида, Манзил: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй. Телефон: 259-22-48, 259-21-18, факс: 259-21-18, 259-2 2-48 **www.gki.torg.uz.**

Олди-сотди шартномасини тузиш шарти: Савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида тузиладиган олди-сотди шартномасини имзолаш.

Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 август куни соат 10:00 гача.

Офертада иштирок этиш учун таклифларни топшириш тартиби ва лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати: Таклифга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

— таклиф этилаётган сотиб олиш қиймати, унинг тўлаш муддатлари, таклиф этиладиган инвестиция миқдори, уни киритилишининг мақсади, муддати ва шартлари кўрсатилган, муҳрланган конвертга солинган (2 нусхада) инвестиция таклифи (акцепт).

Ҳужжатларнинг ҳар бир варағи талабгорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим!

Таклифларни қабул қилиш муддати ўтганидан сўнг олиб келинган таклиф қабул қилинмайди!

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида Бувайда туманида ўтказиладиган очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 7-27-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2006 йилдаги 272-сонли, 25.05.2011 йилдаги 146-сонли қарорлари ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 02.07.2012 йилдаги 19-пр-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ "Аукцион" савдоларига "Янгиқадам" ҚФЙ ҳудуди 282-контурдаги 39 та ер участкаси қўйилади.

Ер участкаларининг ҳар бири 400 м.кв. иборат бўлиб, бошланғич баҳоси 378 000 сўм.

"Аукцион" савдолари 2012 йил 14 август куни соат 10:00 да Бувайда ҳокимияти биноси мажлислар залида ўтказилади.

"Аукцион" савдоларида иштирок этувчи талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

— кўрсатилган ер участкаларини сотиб олиш истагидаги савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

— закалат суммаси тўғрисидаги келишув битимининг бир нусхаси;

— "савдо ташкилотчиси"нинг реквизитлари: ИНН 302128329, МФО 00500 "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 2020 8000 7049 4327 8001 ҳисоб рақамига ер участкасининг бошланғич баҳосининг 15% (ўн беш) миқдоридаги закалат суммасининг тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатнинг асл нусхаси.

Савдо ғолибига савдо бўлиб ўтган кунидан 20 кун муддат ичида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тўғрисида шартнома имзолаш шарти юклатилади.

Очиқ "Аукцион" савдоларида қатнашувчиларнинг ҳуқуқий ҳужжати:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси;

— Хорижий юридик шахслар — уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

— Хорижий фуқаролар — чет эл давлат миллий ёки дипломатик паспорти;

— Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси;

— Савдода талабгорнинг вакили иштирок этганда тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган ишончноманинг асл нусхаси.

"Аукцион" савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар ҳафтанинг ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси 2-қават, 21-хонада қабул қилинади.

Закалат суммаларининг киритилиши "Аукцион" савдолари бошланишидан бир соат олдин, буюртманомаларни қабул қилиш "Аукцион" савдолари ўтказилиши белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин, соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

"EFFECT REAL GROUP" масъулияти чекланган жамияти.

Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси 2-қават, 21-хона. Тел. +99895 404 54 84.

**Лицензия RR 0094.**

## «OMADLI TANLOV» РИЭЛТОРЛИК МЧЖ 2012 йил 29 май куни Қашқадарё вилояти Китоб тумани «Йўлдош» шаҳарча ҳудудидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижаларини маълум қилади.

| № | Объектнинг номи | Жойлашган жойи | Бошланғич баҳоси (минг сўмда) | Сотилиш баҳоси (минг сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 257-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 2 | 265-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 3 | 278-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 4 | 279-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 290,0 |
| 5 | 280-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 6 | 281-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 7 | 282-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 8 | 292-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 800,0 |
| 9 | 293-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 10 | 294-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 390,0 |
| 11 | 295-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 330,0 |
| 12 | 296-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 13 | 297-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 14 | 298-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 15 | 299-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 16 | 300-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 17 | 301-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 18 | 302-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 19 | 303-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 20 | 304-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 21 | 305-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 550,0 |
| 22 | 306-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 23 | 307-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 1400,0 |
| 24 | 308-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 25 | 309-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 26 | 310-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 300,0 |
| 27 | 311-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 470,0 |
| 28 | 312-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 29 | 313-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 30 | 314-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 31 | 315-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 800,0 |
| 32 | 316-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 33 | 317-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 34 | 318-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 35 | 319-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 36 | 320-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 37 | 321-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 330,0 |
| 38 | 322-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 39 | 323-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 40 | 324-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 300,0 |
| 41 | 325-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 42 | 326-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 43 | 327-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 44 | 328-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 45 | 329-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 300,0 |
| 46 | 330-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 47 | 331-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 48 | 332-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 49 | 333-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 800,0 |
| 50 | 334-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 51 | 335-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 52 | 336-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 53 | 337-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 54 | 338-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 55 | 339-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 56 | 340-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 57 | 341-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 58 | 342-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 59 | 343-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 60 | 344-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 61 | 345-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 62 | 346-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 550,0 |
| 63 | 347-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 64 | 348-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 65 | 349-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 4600,0 |
| 66 | 350-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 67 | 351-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 68 | 352-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 69 | 353-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 70 | 354-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 71 | 355-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 72 | 356-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 73 | 357-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 74 | 358-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 75 | 359-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 76 | 360-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 77 | 361-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 78 | 362-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 79 | 363-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 80 | 364-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 270,0 |
| 81 | 365-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 82 | 366-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 83 | 367-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 84 | 368-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 85 | 369-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 86 | 370-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 87 | 371-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 88 | 372-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 89 | 373-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 90 | 374-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 91 | 375-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 92 | 376-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |
| 93 | 377-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 94 | 378-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 95 | 379-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 230,0 |
| 96 | 380-сонли ер майдони | Китоб тумани, Йўлдош шаҳарча | 150,0 | 250,0 |






# «Биз буюк юрт фарзандларимиз»

## Андижон шаҳрида ана шундай шиор остида ташкил этилган ёшлар фестивалидан репортаж

Нурилло НЎЪМОНОВ,
журналист

*Бугун мамлакатимиз ёшларининг жамият ҳаётининг барча жабҳалари — ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан етук, маънавий баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидандир. Шу боис ҳам, йигит-қизларни "оммавий маданият"нинг турли ёт ғояларидан асраш, уларни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Иқтидорли ва изланувчан ёшларни излаб топиш, уларнинг ақл-заковати ва интеллектуал қобилиятларини юзага чиқариш ҳамда рағбатлантириш мақсадида мунтазам равишда уюштирилаётган тадбирлар ўзининг самарасини бераётир.*

Андижон шаҳридаги "Соғлом авлод" ўйингоҳида "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида ўтказилган "Ёшлар камоли — Ватан жамоли" номли фестиваль ҳам айни шу мақсадга қаратилди. Қарийб йигирма мингдан зиёд умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бағрига олган муҳташам стадион турфа ранглар, ёруғ шуълалар рақсига чулғанди. Фестивалда сўзга чиққанлар ёшларни ушбу айём билан қизғин муборакбод этиб, катта ҳаёт остонасида турган ўғил-қизларнинг ўқиш, иш ва келгуси ҳаётларига муваффақият тилашди. Шундан сўнг мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг рамзи сифатида самога учирилган минглаб кабутарлар гўёки билдирилган эзгу тилак ва истакларнинг ифодаси бўлди.

Бу йил Андижон вилоятидаги мавжуд ўрта махсус ўқув юртларини 47025 нафар битирувчи тамомлади. Шу куни улар орасида ўзига хос ютуқларга эришган юзлаб ёшлар майдонга таклиф этилиб, турли йўналишлар бўйича ўзлари эгаллаган касб-ҳунарларнинг имконият ва афзалликларини сафда юриш орқали намойиш этдилар. Йигит-қизларнинг мардонавор одимларида келажаги буюк юрт фарзандлари эканлигидан фахрланиш туйғулари мужассам эди.

Шундан сўнг ҳар томонда давлатимиз байроғи ҳилпираб, катта экранда намойиш этилган тасвирларда истиқлол йилларида эришилган ютуқларимиз ўз аксини топди.

Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар иштирокидаги бадиий дастур ҳам унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Улар ижросидаги Ватан, гўзаллик, севги-муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқлар барча-барчани рақсга чорлади...

Шу куни фестиваль доирасида жойларда ёшлар иштирокида "Сиз севган қаҳрамонлар", "Замонамиз қаҳрамонлари", "Ҳеч ким меҳр-шафқатдан четда қолмайди" мавзуларида қизиқарли лойиҳалар амалга оширилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши вакиллари томонидан ўтказилган бу тадбирларда 15 минг нафарга яқин ёшлар қатнашдилар. "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" шиори остида қизлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда эса қатнашчилар спортнинг 8 тури бўйича беллашдилар. Таниқли санъаткорлар иштирокида вилоятнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ўтказилган учрашувлар ҳам унутилмас хотираларга бой бўлди.

Кўтаринки кайфиятда, юксак савияда ташкил этилган мазкур фестиваль андижонлик ёшлар қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

## Осиё чемпионати (U-16). Мусобақа санаси аниқланди

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 10 май куни ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатига қуръа ташланган бўлиб, Дилшод Нуралиев бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси "D" гуруҳидан жой олган эди. Яқинда ОФК мусобақанинг ўтказилиш санаси борасида бир тўхтамга келди.

Шу йилнинг 21 сентябрь-6 октябрь кунлари Эронда ўсмирлар (U16) ўртасидаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўзининг илк учрашувини 23 сентябрь куни ҳиндистонлик тенгдошларига қарши ўтказишади.

25 сентябрь куни 2-тур доирасида вакилларимиз Хитой ўсмирлари билан куч синашишади. Ва ниҳоят 27 сентябрь куни Нуралиев шогирдлари гуруҳдаги сўнгги ўйинда Сурия терма жамоасига қарши майдонга чиқади.

Ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатининг чорак финал ўйинлари 30 сентябрь, ярим финал 3 октябрь ва финал 6 октябрь куни бўлиб ўтиши белгиланган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2010 йили пойтахтимиз мезбонлик қилган Осиё чемпионатида Алексей Евстафеев мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси финалга қадар етиб бориб, вице-чемпион деган номга сазовор бўлишган эди. Умид қиламизки, Дилшод Нуралиев шогирдлари ҳам қитъа чемпионатида муносиб иштирок этиб, камида Жаҳон чемпионати чиптасига эга бўлишади.






## Козак «Анжи»да?..



Маълумотларга қараганда, Тошкентнинг "Пахтакор" клуби аъзоси Владимир Козак Махачқалъанинг "Анжи" клуби машғулотларига бориб қўшилган. Футболчи бир ой давомида ушбу клуб машғулотларида иштирок этади ва ўз маҳоратини оширади.

Хабарингиз бор, ўтган йили "Пахтакор" ва "Анжи" клублари ўзаро ҳамкорлик борасида келишиб олишган эди. Ҳамкорлик самараси ўлароқ Иракли Климиашвили "Пахтакор"-да ижарада ҳаракат қилаётган бўлса, Одил Аҳмедов айнан "Пахтакор"дан сотиб олинганди. Энди Козак "Анжи" клуби ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этиб, ўз тажрибасини орттириш имкониятига эга бўлди.

## Гансо ПСЖ «нишони»да



Кейинги пайтда Бразилиянинг "Сантос" клуби ярим ҳимоячиси Гансонинг жамоадан кетмоқчилиги ҳақида гап-сўзлар кўпайиб қолган эди. Бунга асосий сабаб жамоадоши Неймарга бўлган ўзгача эътибор, унинг назардан четга қолишига олиб келмоқда. Бундан унумли фойдаланган ПСЖ клуби ушбу футболчини ўз таркибига қўшиб олишга бел боғлади. Парижликлар бу футболчи билан ўтган йили ҳам қизиққан эдилар. Клуб спорт директори Леонардо бу трансферни амалга оширишга яна бир бор уриниб кўради.

## Нилмарга икки талабгор



Испания нашрлари томонидан тарқатилган маълумотларга қараганда, "Вильярреал" клуби ҳужумчиси Нилмар ўз фаолиятини Россия ёки Украинада давом эттириши мумкин. Москванинг "Локомотив" клуби футболчи учун 8 миллион евро тўлаб, футболчининг ўзига йилига 2,6 млн. маош беришга тайёр эканини маълум қилган. Шунингдек, Киевнинг "Динамо" клуби ҳам Нилмарга талабгор бўлиб турибди.

## Саралаш 6 ноябрда бошланади

Куни кеча ОФК томонидан 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг дастлабки босқич ўйинлари ўтказиладиган мамлакатлар номи аниқланди.

Бу борада ОФК мамлакатларни 4 та минтақага ажратиб чиққан. Регламентга кўра, Осиё чемпионатининг биринчи босқичида иштирокчи 15 та мамлакат бошлаб беради. Австралия, Таиланд, Мянма ва Филиппин каби мамлакатларнинг 16 ёшли қизлардан ташкил топган терма жамоаси Осеан минтақаси ғолиблиги учун ўзаро беллашиб кўради. Саралашга Филиппин пойтахти Манила мезбонлик қилади. Шарқий минтақа мамлакатлари 3 тани ташкил қилади: Хитой Тайпейи, Гуам ва Гонконг. Саралаш ўйинлари Гуамда бўлиб ўтади.

Ғарбий минтақа вакиллари Иордания, Баҳрайн, Қувайт ва Фаластин Амманда ўзаро куч синашишади. Ўзбекистон жой олган марказий ва жанубий Осиё минтақасида саралаш ўйинлари Шри-Ланканинг Коломбо шаҳрида ўтказилади. Ўзбекистонлик қизлар саралаш баҳсларида Эрон, Шри-Ланка ва Ҳиндистон терма жамоалари билан куч синашишади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон (U16) қизлар терма жамоаси Шри-Ланкадаги саралашни 6-10 ноябрь кунлари ўтказади.

Спорт хабарларини **Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

**Huquq**
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
— tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-4938. 47 029 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G`.ALIMOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.